Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-yil 21-yanvar, payshanba, **3 (635)-son**

e-mail: **xxi_asr@umail.uz**, web sayt: **www.21asr.uz**

**ЭЪТИРОФ**

## ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КАТТА НУФУЗГА ЭГА БЎЛГАН ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИ РЕЙТИНГИГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОН 2014-2015 ЙИЛЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2016-2017 ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ПРОГНОЗЛАРИ БЎЙИЧА ДУНЁДАГИ ЭНГ ТЕЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН БЕШТА МАМЛАКАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛГАНИ АЛБАТТА БАРЧАМИЗГА МАМНУНИЯТ ЕТКАЗАДИ.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан.*

**МУНОСАБАТ**

# Зиммамиздаги вазифалар кўлами

**Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар, далил ва рақамларга асосланган мантиқий хулосалар жорий йилнинг янада баракали бўлишидан далолат бермоқда.**

2015 йил натижаларини қиёсан таҳлил қиладиган бўлсак, тинчлик ва барқарорлик туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти тобора юксалаётгани, тўкинлик ва фаровонликка асос бўлаётганини кўриш мумкин. Эътибор беринг, дунёнинг қатор мамлакатлари иқтисодий-молиявий инқироз асоратларини бартараф этиш учун куч тополмаётган бир пайтда ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Бундай рақамлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланаётганидан далолатдир. Парламент қуйи палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам жорий йилда янада салмоқли натижалар қўлга киритилишини эътироф этиб, зиммаларидаги вазифалар кўлами кенгайганини таъкидлашмоқда. Уларнинг қуйидаги фикрлари шу ҳақда.

2→

# Мақбуллаштириш маъқул бўлмоқда

**Президентимизнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси билан яқиндан танишиб чиққач, бир фермер сифатида кўнглим анча ёришди.**

Нега десангиз, бошқа жойлардагидек, бизнинг Фарғонада ҳам 300-400 гектарлик майдонда деҳқончилик қилаётган фермерлар бор эди. Гапнинг дангалини айтганда, бу қишлоқ мулкдорларига анча оғирлик қилаётганди. Ахир катта карвоннинг юки ҳам катта бўлади-да. Масалан менга ҳам 300 гектардан ортиқ ер бириктирилган эди. Шунинг 150 гектаридан ортиғида ғалла ва пахта етиштирардик. Гарчи ҳайдов ва чопиқ тракторлари етарли бўлса-да, ғўза қатор ораларига айни ишлов бериш маҳали техникаларимизда нуқсон чиқиб, таъмирлаш ишлари бир неча кунга чўзилиб кетарди. Биламизки, ғўза кун санайди. Баҳорда ишлови бир кун кечикса, кузда ҳосил етилиши 10 кунга ортга сурилади. Энди бир мулоҳаза юритайлик: қишда 100-150 гектар майдоннинг шўрини ювган фермер баҳорда қисқа фурсатда шунча майдонга уруғ қадай олармиди? Чигит экиш дегани, тариқ сепиш эмас-ку. Хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам кечикади. Ё ери етилмайди ёки муддат ўтиб кетади. Шўри ювилган ер вақтида шудгорланмаса, кесак кўчади. Кесак кўчган ерда нам қолмайди, чигит унмайди. Фермер чигитни такрор экади. Уруғлик, ёқилғидан чиқим устига чиқим. Хуллас, катта ернинг ташвиши ҳам катта бўлар экан.

Бунинг устига, юқорида айтганимдек, кузда ҳосил кеч етилади. Фермернинг ери озроқ бўлса-чи? Албатта, у ҳамма ишга улгуради. Кўп тармоқли бўлса, ўйнаб-кулиб боғи, иссиқхонасини яшнатади. Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиради. Чорвасини кўпайтиради. Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга муносиб улуш қўшади. Ўз маҳсулотини ўзи экспорт қилишга имкон топади.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжаликларини мақбуллаштириш шахсан менга ниҳоятда маъқул келди. Келгусида Президентимизнинг фермерлик ҳаракати борасидаги оқилона сиёсатлари, доно маслаҳатлари, йўл-йўриқларига лаббай, дея жавоб беришга ўзимни доимо бурчли деб биламан.

**Авазбек ТЕШАБОЕВ,**
**Қува туманидаги «Роҳатой» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, O`zLiDeP туман кенгаши раиси.**

**ПАРЛАМЕНТДА**

# БИРИНЧИ ЎҚИШДА МАЪҚУЛЛАНДИ

КЕЧА O`zLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳимжон Ҳакимов депутатларга мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, мақсади хусусида маълумот берди.

— Фракциямиз эътиборига ҳавола этилган ушбу қонун лойиҳаси орқали мамлакатимизда парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш борасидаги ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштириш назарда тутилаётир, — деди Р. Ҳакимов.

2→

# Иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш омили

O`zLiDePНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ОРТИҚЧА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚ ВА ЧЕКЛОВЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА



■ **Адҳам ШОДМОНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Фракциянинг парламентдаги фаолияти партия Сайловолди дастурининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун имкон қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хусусий бизнес ташаббусларини рўёбга чиқаришга тааллуқли вазифаларини амалга оширишга хизмат қилишига ишонамиз. Бу барчамиздан қонун ижодкорлиги фаолиятининг ҳар бир босқичида мазкур йўналишдаги қонун лойиҳаларини батафсил ишлаб чиқишни талаб этади.

Айни пайтда Қонунчилик палатасида «Бухгалтерия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамадан ўтмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлаштирилган тарзда ҳисобга олиш орқали бухгалтерия маълумотларини йиғиш, қайд қилиш ва умумлаштириш ҳамда шу асосда молиявий ҳисоботларни ва бошқа маълумотларни тузишдан иборатдир.

Ушбу соҳадаги амалдаги қонунчиликка киритилган ҳар қандай ўзгартишлар O`zLiDeP электоратининг манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкинлигини пайқаш мушкул эмас. Жумладан, 1996 йилда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда яхлит бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатди. Ўтган даврда O`zLiDeP фракцияси кўмагида ушбу қонунга, шу жумладан, Бюджет кодексининг қабул қилиниши муносабати билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш ҳамда бирламчи ҳисоб ҳужжатларини тайёрлаш, молиявий ҳисобот шаклларини қисқартириш билан боғлиқ масалаларга доир алоҳида ёндашувларни ўзгартириш имконини берди.

Шу билан бирга ўтган йилларда Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантириш борасидаги ишлар анча илгарилаб кетганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Сайловчилар билан учрашувлар давомида O`zLiDeP электоратининг вакиллари томонидан ушбу қонуннинг айрим моддалари ва қоидаларини амалда қўллаш жараёнида бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан маълум номувофиқликлар юзага келаётгани ҳақидаги мавзу бир неча бор кўтарилди.

2→

# Битирувчилар учун янги иш ўринлари

**«Соғлом она ва бола» йилида Косонсой туманидаги «Sofiya-sof-tekstil» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ўз маҳсулотини маҳаллий бозорга чиқаришга муваффақ бўлди. Кореянинг «CHUNGANG CO» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу корхонанинг биринчи босқичини шакллантириш учун 1 млн. долларга яқин маблағ сарфланди. Эндиликда 20 та янги замонавий тўқув дастгоҳига эга бўлган корхонада пахта толаси, чорва жунидан йигирилган ип ҳамда синтетик толадан болалар, аёллар ва эркаклар учун мавсумбоп пайпоқлар ишлаб чиқарилмоқда.**

**— Жамоамиз томонидан ойига 150 минг жуфт пайпоқ тайёрланмоқда, — дейди корхона раҳбари Муроджон Қодиров. — Ҳозиргача 500 минг сўмлик сифатли, нархи хорижникидан 35 фоизга арзон бўлган 700 турга яқин пайпоқ ишлаб чиқардик. Маҳаллий бозорда харидорлар сони тобора кўпаймоқда. 2016 йил якунигача лойиҳанинг 2-босқичи амалга оширилади. Яна 100 та тўқув ускунаси ўрнатиш ниятидамиз. Шунда кунига 3500, йилига эса 1 млн. 300 минг жуфт пайпоқ тайёрлаш имкони яратилади. Юртимизда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор натижасида Наманган вилоятининг тоғ олди тумани бўлган Косонсойда аҳоли бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, янги корхонада қўшимча 100 та янги иш ўрни яратиш, уларга асосан коллеж битирувчиларини жалб этиш режалаштирилган.**




**САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР**

3 Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалага айланмоқда



**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**

5 Семинарлар қандай талаблар асосида ўтказилиши лозим?



**СПОРТ**

8 Ўзбекистонликлар энг яхшилар сафида


**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 19 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1951,68 | 1 АҚШ доллари | 2826,48 | 1 Хитой юани | 429,69 | 1 Польша злотийси | 686,32 | 1 ЕВРО | 3078,88 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4036,21 | 1 Миср фунти | 360,98 | 1 Россия рубли | 36,92 | 1 СДР | 3910,58 | 10 Жанубий Корея вони | 23,35 |
| 1 Дания кронаси | 412,59 | 1 Исландия кронаси | 21,79 | 1 Украина гривнаси | 116,86 | 1 Туркия лираси | 929,98 | 10 Япония иенаси | 241,15 |
| 1 БАА дирҳами | 769,53 | 1 Канада доллари | 1946,48 | 1 Малайзия ринггити | 641,36 | 1 Швейцария франки | 2812,70 | | |

«XXI ASR» 2016-yil 21-yanvar, payshanba, 3 (635)-son, www.21asr.uz

# Зиммамиздаги вазифалар кўлами

**АНВАР МАТЁҚУБОВ**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси



**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

— Президентимизнинг «Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» номли маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлди. Партиямиз дастурида ҳам мазкур масалага алоҳида урғу берилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда O`zLiDeP депутатлик корпуси ушбу соҳадаги қонунчиликнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали парламент назоратини кучайтириш, тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилининг рўёбга чиқарилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, парламент назорати хўжалик субъектлари фаолияти ва уларнинг банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини ноқонуний тўхтатиш, уларнинг ҳисоб рақамларида маблағ борлиги тўғрисидаги маълумотни асоссиз талаб қилиш, тадбиркорларни маблағ ажратиш билан боғлиқ хайрия ишлари ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилиш каби ҳолатларга ҳам тааллуқлидир.

Президентимиз маърузасини ўрганар эканмиз, O`zLiDePнинг қуйи палатадаги фракцияси ўз назорат-таҳлил фаолиятида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ноқонуний қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида тадбиркорлик субъектига етказилган зарар, жумладан, бой берилган даромадни тўлиқ ҳажмда қоплаш механизми билан боғлиқ масалаларга ҳам кўпроқ эътибор қаратишини таъкидлаш жоиз. Умуман олганда, партия депутатлик корпуси парламент томонидан қабул қилинган барча қонунлар амалда рўёбга чиқиши учун барча саъй-ҳаракатларини ишга солади. Бу эса O`zLiDeP электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

**МУҲАББАТ ТОХТАЕВА**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси



— Давлатимиз раҳбари маърузасида жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажмини 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси қўйилди. Иқтисодиётимизни ривожлантириш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестициялар йўналтириш, уларнинг ўсиш суръатини 109,3 фоизга етказиш белгиланди. Ана шу инвестицияларнинг 4 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил қилади, бу 2015 йилга нисбатан 20,8 фоиз кўпдир.

Шу маънода O`zLiDeP 2016 йилга мўлжалланган, умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳасини ишга туширишга имкон берадиган Инвестиция дастурини амалга оширишга иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг энг муҳим воситаси сифатида қарайди.

Шу муносабат билан O`zLiDeP мансабдор шахсларнинг замон талабига жавоб берадиган техника ва технологияларни олиб келиш ҳамда ўрнатиш учун масъулиятини ошириш тарафдоридир. Партиямиз Маъмурий жавобгарлик ҳамда Жиноят кодексларига буюртмачининг жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан эскирган ускуналарни олиб келганлик ҳамда ишга туширганлик учун жавобгарлигини кучайтирувчи аниқ моддалар киритишни муҳим деб билади.

Бинобарин, инвестициялардан самарали фойдаланиш мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланиши, одамларнинг муносиб турмушини таъминлайдиган кучли иқтисодиётга эга демократик давлатлар қаторига киришдек бош мақсадга элтувчи принципиал ислоҳотларни амалга оширишга хизмат қилади.

# Иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш омили

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

Бу нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, балки давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, судлар фаолиятида ҳам айрим қийинчиликлар туғдирмоқда.

Амалдаги «Бухгалтерия тўғрисида»ги қонунда бухгалтерия ҳисоби ва унинг таркибий қисмларига аниқ тушунчалар берилмаган, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини бажарувчи масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг касбий малакасига қўйиладиган талаблар ҳамда бухгалтерларнинг жамоат бирлашмалари мавқеи аниқ белгиланмаган.

Буларнинг барчаси иқтисодиёт соҳасида жадал амалга оширилаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликни янада такомиллаштириш O`zLiDeP учун нақадар муҳим аҳамият касб этишини изоҳлайди. Шу муносабат билан O`zLiDeP «Бухгалтерия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси устида олиб борилаётган ишларда, Қонунчилик палатасининг Регламенти томонидан тақдим этилган барча ваколатлардан фойдаланган ҳолда, алоҳида моддаларни қайта кўриб чиқиш, янги ва аниқлаштирувчи нормаларни киритиш, мавжудларини ўтган йилларда қонунчиликда рўй берган ўзгаришларга мувофиқлаштириш ҳамда бухгалтерия ҳисобини халқаро принцип ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш учун замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқа.

Партиямизнинг бу борадаги қатъий позицияси шундан иборатки, биз амалдаги қонунга ўзгартиш киритиш эмас, балки уни янги таҳрирда қабул қилишни таклиф этамиз. Бундан ташқари, ҳужжат имкон қадар бевосита таъсир кучига эга нормалардан иборат бўлиши, қонун лойиҳаси батафсил ва пухта ишлаб чиқилган бўлиши, бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ барча жиҳатларни ҳисобга олиши, аниқлик, равшанлик, бир хиллик мезонларига жавоб берииши лозим. Ҳавола нормаларнинг асоссиз даражада кўп бўлиши, уларнинг ноаниқ баён этилиши меъёрий-ҳуқуқий нормаларнинг тартиблилик принципининг бузилишига, қонуннинг бевосита амал қилиш кучининг сусайишига, ундаги алоҳида нормаларни қўллаш имкониятининг йўқолишига, қонун ижрочисининг иккиланиб қолишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари қаторида «Ижара ҳисоби» ва «Номоддий активлар» стандартлари мавжудлигини ҳисобга олиб, қонун лойиҳасига шу стандартларга бағишланган алоҳида нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

O`zLiDeP фракцияси амалдаги қонунда бухгалтерия хизматлари раҳбарларига қўйиладиган талабларнинг мавжуд эмаслиги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув тизимининг ишончлилигини таъминлашда маълум қийинчиликлар туғдираётгани ҳақида умумий фикрни ёқлайди. Хўжалик юритувчи субъект ва унинг бухгалтерия хизмати раҳбарларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини функционал жиҳатдан аниқ ажратиш зарур.

Қонунчилик даражасида акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, инвестиция жамғармалари, биржалар ҳамда юридик ва жисмоний шахслар маблағларини аккумуляция қилувчи бошқа ташкилотлар, устав капиталида давлат улуши бўлган, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутган корхоналарда ички назорат тизимини ташкил этишни, уларнинг бухгалтерия хизматлари раҳбарларига қўйиладиган алоҳида талабларни тартибга солувчи нормаларнинг белгиланмагани амалда бухгалтерия ҳисобини юритишда камчиликлар ва қонун бузилишларига йўл қўйилиши, оқибатда, баъзи ҳолларда молиявий ҳисоботлар ҳаққоний тузилмаслигига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Ишонамизки, қонун лойиҳаси мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришларни, бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этиш борасида тўпланган миллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олади. Шу сабабли O`zLiDeP бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тайёрланадиган молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчи кенг доирадаги шахслар манфаатларини қатъий ҳимоя қилади.

Қонун лойиҳасини кенг доирадаги экспертлар ва электорат вакиллари билан муҳокама қилиб, фракция бухгалтерия ҳисоби ва унинг асосий элементларига доир тушунчаларни, бухгалтерия ҳисоби субъектлари ва объектларини аниқ белгилаш, масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ажратиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар ва бухгалтерия хизматлари раҳбарларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, ички назорат тизимини таъминлаш учун масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни қўллаб-қувватлайди.

Ушбу янгиликлар бухгалтерия ҳисобининг асосий тушунчаларини белгилаш, бухгалтерия ҳисоби объектларини батафсил таърифлаш ҳамда ички назоратни таъминлашга доир меъёрий талабларни белгилаш орқали бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаффофлигини оширишга хизмат қилишига ишонамиз.

Шу билан бирга O`zLiDeP фракцияси қонун лойиҳасининг қатор бандлари бўйича қуйидаги фикрларни илгари суради. Биринчидан, қонун лойиҳасида хўжалик юритувчи субъектни тугатиш жараёнида молиявий ҳисобот юритиш тартиби баён этилган, аммо хўжалик юритувчи субъектни қайта ташкил этишда молиявий ҳисобот юритиш тартиби мавжуд эмас, бу эса қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, ҳужжатга хўжалик юритувчи субъектни қайта ташкил этишга бағишланган нормани киритиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахс учун сўнгги ҳисобот йили сифатида қайси сана ёки қайта ташкил этиш натижасида пайдо бўлган юридик шахс учун биринчи ҳисобот йили сифатида қайси давр ҳисобланиши ва ҳоказо масалаларни тартибга солиш мумкин бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида якка тартибдаги тадбиркорлар фақат давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклларда ҳисобот тақдим этиши белгиланган.

Якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ қонунчилигига мувофиқ солиққа тортиш мақсадлари учун фақат ўз даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритишини, яъни улар бухгалтерия ҳисобини юритиши ва тегишли равишда модиявий ҳисоботни тақдим этиши шарт эмаслигини ҳисобга олсак, ушбу модданинг иккинчи қисмига ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда. Шу сабабли, O`zLiDeP бу ўзгартишларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Қонун лойиҳасининг «Бухгалтерларнинг жамоат бирлашмалари» номли 9-моддасида «Бухгалтерларнинг жамоат бирлашмалари: бухгалтерия ҳисоби стандартларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади, уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказади ва Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ва бухгалтерия ҳисобининг стандартларини қўллаш бўйича тавсияларни киритади; бухгалтерларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлашда, уларнинг профессионал, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий маданиятини оширишда иштирок этади; бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро профессионал ташкилотлар билан ўзаро хамкорликни амалга оширади; қонун ҳужжатларига назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин», деб белгиланмоқда.

O`zLiDeP сайловолди Дастурида партия фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш тарафдори эканлиги қайд этилган. Ушбу модданинг киритилиши мазкур мақсаднинг амалда рўёбга чиқиши учун хизмат қилишига ишонамиз. Модданинг биринчи қисмини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз, зеро, айнан биз, депутатлар, «бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар»га муҳтожмиз.

Лекин модданинг иккинчи банди, яъни, «бухгалтерларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлашда, уларнинг профессионал, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий маданиятини оширишда иштирок этади» мазмунидаги қисми, эҳтимол, ЎзХДПдаги ҳамкасбларимизга кўпроқ хуш келади. Биз ушбу нормани амалга ошириш механизмлари нуқтаи назаридан янада пухта ишлаб чиқилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бухгалтерлар ёлланма ишчилар эканини унутмайлик, демак, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини касаба уюшмалари ҳимоя қилиши керак. Акс ҳолда, «ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» баҳонаси остида уларнинг иш берувчилари, яъни тадбиркорларни назорат қилишга уринадиган яна бир тузилма пайдо бўлиши мумкин. Бу эса тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай вазиятга йўл қўймайлик.

Бундан ташқари, бухгалтерия хизмати раҳбарига қўйиладиган талабларни тартибга солувчи 12-модда ҳамда ички назоратга бағишланган 21-моддага доир айрим мулоҳазаларимиз мавжуд. Юқорида қайд этилганидек, биз талабларнинг қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилишини қўллаб-қувватлаймиз. Лекин давлат ва хусусий мулкни тартибга солиш масалаларини ўзаро ажратиш муҳимлигини такрорлашдан чарчамаймиз. Хусусий шахс, тадбиркор учун ўз вақти ва маблағлари ниҳоятда қадрли. Фракциямиз ушбу моддаларда назарда тутилаётган талаблар хусусий мулк бухгалтерия ҳисоби субъектлари учун уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кўпроқ тавсия характерига эга бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг айрим таклифларини чуқур ва пухта ўйланмаган деб ҳисоблаймиз. Масалан, ЎзХДП қонун лойиҳасидаги бухгалтерия хизмати раҳбарининг уч йилда бир марта малака ошириш ўқувларидан ўтиши шарт эканига бағишланган нормани ҳеч қўймай илгари сурмоқда. Яна бир бор таъкидлаб ўтамиз, тадбиркорлар ишига ўз маблағини тикади, муваффақиятли бизнес юритишдан, демак, бунинг омили бўлган самарали бухгалтерия ҳисобини амалга оширишдан, аввало, ўзлари манфаатдор. Хусусий корхоналардаги бухгалтерлар ўзларининг кундалик меҳнат фаолиятига масъулият ва ҳушёрлик билан ёндашади, чунки уларнинг хатоси — корхонага зарар.

Шу сабабли, биз, O`zLiDeP фракцияси, ортиқча малака ошириш ўқувларисиз ҳам мавжуд барча камчиликларни аниқлайдиган аудитор текширувидан ўтишнинг ўзи етарли деб ҳисоблаймиз.

ЎзХДПнинг ўрта махсус бухгалтерия таълимига эга шахсларга бухгалтерия хизмати раҳбари лавозимини эгаллашга рухсат беришга доир позицияси ҳам пухта ўйланмаган. Дарҳақиқат, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш — муҳим вазифа, лекин масалага бу каби қўпол ёндашиш кераклигини англатмайди.

O`zLiDeP фракцияси бухгалтерия хизмати ташкилотни бошқаришнинг энг муҳим тузилмаси бўлгани сабабли уни фақатгина олий маълумотли шахс бошқариши шарт эканига қатъий ишонади. Касб-ҳунар коллежи битирувчиси, шу соҳага иқтидори бўлса, олий таълим муассасасида ўқишни давом эттириши, бўлажак иш берувчи эса унинг ўқишга харажатларини қоплаб бериши мумкин.

Мухтасар қилганда, бошқа фракциялар, аввало ЎзХДП ва «Адолат» СДП фракциялари билан шу каби зиддиятлар мавжуд бўлишига қарамай, O`zLiDeP таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг норма ва қоидаларининг рўёбга чиқарилиши бухгалтерия ҳисоби тизимини мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичига мос тарзда янада такомиллаштириш имконини беради, деб ҳисоблайди. «Бухгалтерия тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бухгалтерия ҳисобининг шаффофлигини ошириш, ички назорат тизимини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг касбий масъулиятини кучайтириш, республика бухгалтерларининг профессионал жамоат бирлашмалари мавқеини оширишга қаратилган бўлиб, натижада ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилади.

# Биринчи ўқишда маъқулланди

**Давоми.** Бошланиши 1-саҳифада

**Акбар МУЗАФФАРОВ,** «XXI asr»



Зеро, бугунги вазият шуни тақозо этаяпти. Негаки, айни пайтда ҳаво кемаларига лазер нурини йўналтириш билан боғлиқ безорилик ҳолатлари дунё миқёсида кўпайганлигини ҳам унутмаслик керак. Айниқса, учиш-қўниш жараёнида самолёт бошқарув кабинасига йўналтирилган лазер нури учувчиларнинг вақтинчалик йўналишини ёки кўриш қобилиятини йўқотиш каби кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши кузатилаётир. Табиийки, бу ҳолат ҳаво кемасининг парвоз хавфсизлиги меъёрларига зиддир. Қолаверса, бундай вазиятда экипаж аъзолари ва йўловчилар ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Амалдаги қонунчилигимизда эса ана шундай безориликларга қарши қўлланиладиган маъмурий ёки жиноий жавобгарлик мавжуд эмас. Шу боис ҳам бу борадаги ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш нафақат бизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида давр талабига айланган. Мисол учун, АҚШда лазер нурини қўллаётган қоидабузарларга қарши чоралар кучайтирилиб, шу ишга қўл урган шахслар 11 минг доллар миқдорида жаримага тортилиши белгиланган.

Депутатлар кун тартибидаги навбатдаги масала сифатида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси орқали Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида, Фуқаролик процессуал ва Оила кодексларига, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. Энг асосийси, қонун давлат бюджетидан қўшимча маблағ йўналтиришни тақозо этмайди.

Фракция аъзолари бу масалага партия позицияси нуқтаи назаридан ёндашиб, ушбу қонуннинг кучга кириши айнан партия дастурида белгиланганидек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада либераллаштириш, инсонпарварлик тамойилларини ҳаётга янада чуқурроқ татбиқ этиш каби хайрли мақсадларга хизмат қилишини эътироф этдилар. Мажлисда сўзга чиққан депутатлар қонунни маромига етказишга доир таклиф ва тавсияларини ҳам билдиришди.

Йиғилишда, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти масалаларининг айрим жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солишда мавжуд бўшлиқлар ва номутаносибликларни бартараф этишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Мажлис якунида юқорида тилга олинган қонун лойиҳалари O`zLiDeP фракцияси томонидан биринчи ўқишда маъқулланиб, кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

# Юз ёшли отахон эътирофи

**— Ўтган йили бир аср билан юзлашдим. Ўшанда ҳовлимиз қариндош-уруғлар, невара-чеваралар, қўни-қўшнилар билан файзга тўлди.**

Маҳалла фуқаролар йиғини, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимидан вакиллар келиб муборакбод этишди, совғалар топширишди, — **дейди Марғилон шаҳри, «Ёвқочар» МФЙ ҳудудидаги Водил кўчасида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Имомназар ота Қурбонов**.

Дарҳақиқат, Кексаларни эъзозлаш йилида кўпни кўрган отахон ва онахонларга ҳар қачонгидан ҳам катта ҳурмат-эътибор кўрсатилди. Улар давлатимизнинг доимий ғамхўрлигидан баҳраманд. Имомназар ота ҳам барча қатори бундан мамнун бўлиб, эртанги кунга комил ишонч билан назар ташламоқда.

— Президентимизнинг 2015 йил якунларига бағишланган маърузасини телевизор орқали кўриб, бошим осмонга етди, — дейди отахон мамнунлик билан. — Шукрлар бўлсинки, барча синовлар ортда қолди. Энди бировдан кам жойимиз йўқ. Қўлимизни қаёққа узатсак, етади. Биз, кексалар қўлимизни дуога очиб, юртимизга файзу барака тиларканмиз, эртамиз янада порлоқ бўлишига ишонамиз. Чунки танлаган йўлимиз энг тўғри ва адолатли йўлдир.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**
**Фарғона вилояти.**

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА АЙЛАНМОҚДА

O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ ҲАМДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ УЮШМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА **«МАМЛАКАТДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМЛАРИ ҲАМДА ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАРНИНГ ИЖРОСИ: 2015 ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА НАВБАТДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР»** МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Рисолат МАДИЕВА,** «XXI asr»



Солиҳ ЗОИР олган сурат

Тадбирда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини интенсив усулда етиштириш амалиётини кенг жорий этиш, ердан самарали фойдаланиш ва озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Шунингдек, 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган навбатдаги вазифаларга яна бир бор эътибор қаратилиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

— Юксак тараққиёт даражасига ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, — деди тадбирда сўзга чиққан O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров. — Президентимиз таъкидланганидек, «Ўта оғир ва мураккаб вазиятда қўлга киритилган бундай ютуқ ва марралар аввало чуқур ва атрофлича ўйланган сиёсатнинг натижаси бўлиб, уларнинг замирида меҳнаткаш, мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати мужассам эканини кўрамиз». Буни доимо ёдда тутишимиз лозим. Олдимизга қўйилган устувор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан партия электорати ҳисобланган тадбиркор ва фермерларга боғлиқ эканлигини назарда тутадиган бўлсак, O`zLiDePнинг бу борадаги ўрни нақадар масъулиятли эканлиги ўз-ўзидан равшан бўлади.

Тадбирда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, белгиланган манзилли дастурлар, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ амалга оширилишига эришиш ва лойиҳа ташаббускорларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида O`zLiDePнинг халқ депутати маҳаллий кенгашларидаги 2 119 нафар депутатлари томонидан доимий равишда жамоатчилик ва депутатлик назорати олиб борилгани алоҳида қайд этилди.

— Назорат-таҳлил жараёнида 1200 та амалий учрашув ўтказилиб, аниқланган 511 та муаммоли ҳолат юзасидан лойиҳа ташаббускорларига тегишли ёрдам кўрсатилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Исломжон Зокиров. — Сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва уларни экспорт қилиш миқдорларини кўпайтириш, шунингдек, қишлоқ жойларида маҳаллий озиқ-овқат саноати тармоқларини шакллантиришга қаратилган муҳим қадамлар самара бераётгани қувонарлидир.

Тадбир давомида аграр соҳага оид қонунчиликни мустаҳкамлаш, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни лойиҳаларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

# Депутатлар назоратидан ўтган ижро чоралари

МАСЛАКДОШЛАРИМИЗГА ЯХШИ МАЪЛУМКИ, O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛАРИ ЗИММАСИГА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАШ, ЖОЙЛАРДА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БАРОБАРИДА ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИГА КИРИТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ҲАМДА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ИЗЧИЛ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ КАБИ ҒОЯТДА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ЮКЛАНГАН

**Сайфулла ИКРОМОВ,** «XXI asr»



Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи ушбу масъулиятли вазифани теран англаган ҳолда иш тутяпти. Хусусан, мазкур гуруҳнинг навбатдаги йиғилишида амалдаги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари, ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан мутасадди ташкилот раҳбарларининг ахборотлари тинглангани фикримиз далилидир.

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган галдаги йиғилишда дастлаб вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан бошқарма бошлиғи Қаҳрамон Нормуҳамедовнинг ҳисоботи эшитилди.

— Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, меҳнат бозоридаги малакали мутахассисликларга бўлган талабни инобатга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларининг 6 таси қайта ихтисослаштирилди, 53 тасида 40 та йўналиш бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди. Мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, 59 та янги касб эгаларини тайёрлашга киришилди, — деди маърузачи ўз сўзида. — Якунланган йилда вилоятдаги 136 та касб-ҳунар коллежини 46 минг 543 нафар йигит-қиз битириб чиқди. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари орқали 1178 нафар битирувчи иш билан таъминланди. 479 та корхонага 1184 нафар битирувчи квота тарзида жойлаштирилди. Хусусий бизнес билан шуғулланиш истагидаги битирувчилар учун бевосита коллежларнинг ўзида «Бир дарча» сайёр нуқталари ташкил этилди. Молия муассасалари кўмагида 919 нафар битирувчига 14 млрд. 686,9 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, уларнинг бизнес бошлаши туфайли 1030 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар вилоятда саноат йўналишида 512 та лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 10705 та янги иш жойи очилиб, шундан 3555 тасига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жойлаштирилиши кўзда тутилган. Жумладан, Қарши туманида «LT Textile international» хорижий корхонасида 300 та, Муборак газни қайта ишлаш заводи МЧЖ ҳисобидан дори-дармонни ишлатишда фойдаланиладиган махсус олтингугурт ишлаб чиқариш корхонасида 95 та иш ўрни яратилади.

O`zLiDeP энг аввало тадбиркор ва фермерлар манфаатини ифодалайдиган сиёсий куч бўлгач, партиямиздан сайланган депутатлар учун ҳам айни йўналиш устувор аҳамиятга эгадир.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Худойберди Холбоевнинг таъкидлашича, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар тадбиркорлар учун имкониятлар кўламини кенгайтирди. Масалан, молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларга 10 календарь кунгача бўлган қисқа муддат ўрнатилди. Тадбиркорлик субъектларига жиноят ишлари бўйича текширувлар жараёнига адвокатлар жалб этиш ҳуқуқи берилди. Улар фаолиятига асоссиз аралашган, ноқонуний текшириш ўтказган назорат органлари мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексида акс этган жавобгарлик нормалари кучайтирилди.

Фармонга асосан 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб якка тартибдаги тадбиркор касб-ҳунар коллежи битирувчисини ишга ёллаган бўлса, 12 ой мобайнида солиқ тўлашдан озод этилади. Қашқадарёда ана шу имтиёздан самарали фойдаланган 81 нафар тадбиркор 144 нафар ёшни иш билан банд этди. Эндиликда мол-мулк солиғи юридик шахслар учун белгиланган 4 фоизли эмас, балки жисмоний шахслар учун белгиланган 1,3 фоизли ставкада тўланаётганлиги туфайли вилоятда 185 нафар жисмоний шахс ва оилавий корхоналар йилига ўртача 18,5 млн. сўм маблағни ўз ихтиёрида қолдириш имконига эга бўлди. Якунланган йилда вилоятдаги 3,3 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти 11,5 млрд. сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланди.

— Вилоятимизда Бандлик дастурига мувофиқ 2015 йилда 88961 та янги иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, 1 декабрь ҳолатига бу кўрсаткич 76,444 тани ташкил этди, **— деди ўз ҳисоботида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Абдурауф Қодиров.** — Ўтказилган ярмаркаларда 3909 нафар фуқаро иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди. Оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 6571 та иш жойи очилди. Меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб, 2016 йилда 89024 та янги иш ўрни яратиш дастури ишлаб чиқилди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Исмоил Жўраев эса ўз сўзида 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида 28 та фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари бузилиб, бўшаган 5,6 гектар ер майдони тадбиркорлик субъектларига берилиши натижасида 134 та янги иш ўрни яратилганини таъкидлади. Чунончи, Шаҳрисабз туманидаги маъмурий бино «ноль» қийматда сотилди. Шунингдек, янги иш ўринлари яратиш ҳамда инвестицион мажбурият қабул қилиш шарти билан 7 та қурилиши тугалланган давлат мулки объектлари ҳам «ноль» қийматда тадбиркорларга берилди. Мазкур объектларга 5200 млн. сўм инвестиция киритиш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Саноат ҳудудларини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 3 та ҳудудда 6,8 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил этиш белгиланган бўлиб, Қарши шаҳри, Шаҳрисабз ва Нишон туманларида 28 та лойиҳани жойлаштириш ва 216 та янги иш ўрни яратишга киришилди.

Йиғилишда ҳисоботлар юзасидан O`zLiDeP депутатлари сўзга чиқиб, вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқаришга янги лойиҳаларни жорий этиш, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш борасида қилиниши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида кўриб чиқилган йўналишлар бўйича депутатлик гуруҳининг қарори қабул қилинди.

# Сонда эмас, сифатдаги ўзгариш муҳим

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими 2015 йилда ҳудудий партия кенгашларидаги турдош тузилмалар билан ҳамкорликда 3460 та тадбир ўтказиш, шунингдек, 10 га яқин истиқболли лойиҳани изчил амалга ошириш, уларнинг таъсирчанлигини таъминлаш орқали кўпгина ижобий натижаларга эришди.**

**Шуҳрат РАҲИМОВ,** «XXI asr»

Мазкур жараёнда 300 минг нафардан ортиқ навқирон авлод вакили қамраб олингани ҳам лойиҳалар муваффақиятидан далолатдир. Зеро, 2014 йилда ўтказилган лойиҳалар, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари шаклидаги 2024 та тадбирда жами 200 250 дан зиёд ёш иштирок этганди.

Бу борадаги фаолият самарадорлигининг аниқ йўналишлар кесимидаги таҳлили эришилган марраларни янада яққол намойиш қилади. Масалан, дастлаб партиянинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш йўналишида бажарилган ишларни олиб кўрайлик. Худди шу мавзудаги 895 та тадбирда 80 500 нафардан зиёд электорат вакили қатнашган.

Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш асосида аграр тармоқни янада диверсификациялаш йўналишидаги амалий фаолият ҳам диққатга сазовор. Ўтган йилда бу борада 55 минг нафардан зиёд ёш жалб қилинган ҳолда 610 та тадбир ўтказилган. Лекин гап ҳозир фақат сон эмас, балки сифат кўрсаткичларининг яхшилангани, ҳар бир мулоқот таъсирчан тарзда ташкил этилгани, уларда қатнашган ёшлар O`zLiDePнинг дастурий ғоялари мазмун-моҳиятини тобора чуқурроқ англаётгани ҳақида бормоқда.

Айнан сифатдаги ўзгаришларни Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан партиянинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги устувор вазифалари йўналишида қилинган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, партиянинг Сайловолди платформасида белгилаб қўйилганидек, O`zliDeP демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлов эркинлиги ҳуқуқисиз тасаввур этиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. 2015 йилда ўтказилган 350 та тадбир худди шу тамойил тарғиботига қаратилиб, уларда 30 минг нафардан зиёд ёш иштироки таъминланди.

— Яна бир неча йўналишлар бўйича юқоридаги сингари қиёсга асосланган маълумотларимиз мавжуд, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сардор Марипов. — Аммо ҳозир партия томонидан қатор йиллардан буён муваффақиятли амалга оширилиб келинаётган истиқболли лойиҳаларнинг самаралари ҳақида сўз юритсак, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Бўлим мудирининг таклифи жуда ўринли. Чунки мазкур лойиҳаларни амалга ошириш туфайли эришилаётган ютуқлар партиянинг нуфузини ошириш баробарида иқтидорли ёшларни кашф этишда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг туман, шаҳар босқичларида қамраб олинган 17 мингга яқин битирувчи орасидан вилоят босқичларига 1700 нафари муносиб топилгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Уларни тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотлар мутахассислари саралаб олдилар. Шундан 1463 нафар талаба-ёшга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Жами 7 млрд. сўмни ташкил қилган ушбу кредитларни олганлар ўз тадбиркорлигини йўлга қўйгани, ташкил этилган тадбирларда 1062 нафар ёш партия сафига қабул қилингани лойиҳанинг 2015 йилдаги энг муҳим натижаларидир.

«Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ҳам O`zLiDePнинг истиқболли лойиҳаларидан биридир. Унда, жумладан, 2015 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг 13 минг нафарга яқин талабаси иштирок этган. Кези келганда таққослаш учун 2014 йилда худди шу лойиҳада 9650 нафар ёш қатнашганини таъкидлаш жоиз.

«Хавфсиз интернет». Бу лойиҳа давр талабига нақадар мос эканлигини унинг номидан ҳам билиб олиш мумкин. 2015 йилда унинг қамровини янада кенгайтириш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Интернет хавфсизлиги ва интернет маданияти: муаммо ва ечимлар» мавзусида туркум форумлар ташкил этилди. Мазкур форумлар доирасида 40 га яқин миллий электрон дастурчининг ҳозирги кунда олиб бораётган самарали ишлари юзасидан тақдимотлари ўтказилди. Ёшларнинг интернет манбаларидан фойдаланиш даражасини ўрганишга қаратилган социологик тадқиқотлар тарзидаги сўровномаларда эса уч мингга яқин йигит-қиз иштирок этди.

«Ёшлар қаноти» томонидан уюштириб келинаётган «Ёш партия етакчилари – келажак кадрлари» лойиҳаси, шунингдек, «Ёш олимлар ва мутахассислар» танлови ҳам санаб ўтилган таъсирчан чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир, десак муболаға бўлмайди.

Шу ўринда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Юксак билимли ва интеллектуал ёшлар салоҳиятини юксалтириш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусида Республика илмий-амалий анжуманининг нуфузи тобора ошаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ўтган 2015 йилнинг декабрь ойида мазкур танловнинг якуний босқичи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўтказилди. Танлов йўналишлари бўйича 90 нафар ёш олим тайёрлаган 150 дан зиёд илмий мақола Ишчи гуруҳи томонидан ўрганилди. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар тақдимотларини одилона баҳолаб, оммабоп нашрларда чоп этишга тавсия қилди.

Хулоса ўрнида бўлим кириб келган 2016 йилда янги-янги лойиҳаларни режалаштираётганини айтиб ўтиш жоиз. Уларнинг самаралари эса кейинги мақолаларимизга мавзу бўлажак.

# Фаоллик бор жойда...

**Ўтган йил наманганликлар ҳаётида ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди. Президентимизнинг март ойида сайловчилар билан учрашуви, сентябрда эса фермерлар билан жонли мулоқоти ва ноябрь ойида халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқларида билдирган фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсиялари вилоят аҳли фаолиятида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда**

— Айниқса, Наманганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида эришилган ютуқлар эътироф этилганлиги барчамизга ғайрат-шижоат бағишлади, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Илҳомжон Мирзаев. — Бу ютуқларда партия фаоллари, маҳаллий кенгашларга O`zLiDePдан сайланган депутатларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўтган йил давомида бўлимимиз шаҳар ва туман кенгашлари ҳамкорлигида тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари учун жами 108 та ўқув-семинари ва давра суҳбатлари ўтказди.

Хусусан, «Мулкдор оила» лойиҳасининг саралаш босқичида тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқаролардан 60 нафари чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, нон ва қандолат ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат, тикувчилик, қурилиш хом ашёси, халқ истеъмоли маҳсулотлари, автотеххизмат, темирчилик, иссиқхона ташкил этиш каби йўналишларда ўз лойиҳалари билан фаол қатнашдилар.

Улардан 10 нафари АТ «Микрокредитбанк», 10 нафари АТ «Агробанк» ва 10 нафари АТ «Инфинбанк» вилоят бўлимларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари билан тақдирландилар. 11 та лойиҳа эгасига 110,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиши туфайли 31 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, йил давомида асосий эътибор тадбиркорлар манфаатларига оид қонун, фармон ва қарорлар тарғиботига қаратилди. Жумладан, 2015 йилнинг 16-28 апрель кунлари «Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида O`zLiDeP вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди.

Уларда халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари ва партия фаоллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этишди. Қатнашчилар томонидан мазкур қонун лойиҳаларига жами 40 дан зиёд таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Матбуот хизмати.**

**O`ZLIDEP ФАОЛИ НАСИБА БОЙҚЎЗИЕВА НАФАҚАТ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ, БАЛКИ МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЭНГ ЁШ ФЕРМЕРЛАРДАН БИРИ. У КОЛЛЕЖНИ ТУГАТГАЧ, 2012 ЙИЛДА «НАСИБА АБДУВАЛИ ОРЗУСИ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ**



# НАСИБАНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛЯПТИ

**Дилора ЭСОНОВА,** «XXI asr»

33 гектар майдонга чигит экди. Онаси Матлуба ая, акаси Аҳроржон ҳамда тоғаси Абдукарим ака яқин кўмакдош бўлишди.

— Юртбошимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлиги эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлаб, янгидан-янги марралар сари руҳлантираяпти, — дейди Насиба Бойқўзиева. — Фермерликнинг ўзига яраша масъулияти борлигини юракдан ҳис қилганман. Мелиоратив ҳолати талабга жавоб бермайдиган ерлардан мўлжалдаги ҳосилни олиш учун жамоамиз билан ишга киришдик. Барча агротехник тадбирлардан ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қилдик. Илғор фермер хўжаликлари тажрибасини ўрганиб, ҳамкор-ҳамфикр бўлдик. Қишнинг қировли кунлари, ёзнинг жазирамасини писанд қилмасдан, тунни-кунга улаб, астойдил меҳнат қилдик. Тушкунликка тушган пайтларим яқинларим ва жамоамнинг кўмагига суяндим. Доно халқимизда ерга меҳр берсанг, түйдирсанг, у ўз саховатини аямайди, деган нақл бор. Буғдойдан 20 тонна ҳосил олиб, ўзимга бўлган ишонч янада ортди.

Деҳқончиликда озми-кўпми тажриба орттирган фермер қиз ўтган йилда пахтанинг янги — «С-65» навини экиб, синовдан ўтказди. Ҳамкорликдаги меҳнат туфайли гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил олинди, йиллик режа эса 110 фоиздан ошди. Хўжалик юз миллион сўмдан зиёд даромад қилди.

Насиба — оиладаги тўрт фарзанднинг кенжаси. Онаси Матлуба аянинг айтишича, у раҳматли отаси Абдували акага тортган. Оғир-вазмин. Ёш бўлишига қарамай, ҳар бир ишни етти ўлчаб бир кесадиганлар хилидан. Бир ишни бошладими, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тинчлик йўқ. Бўлмаса эндигина йигирма ёшдан ошган қиз учун қишнинг аёзи, ёзнинг жазирамасида дала кезиш осонми?

— Ўтган йили 8 гектар ерга Франциядан олиб келинган буғдой уруғини сеялка орқали экдик, — дейди Матлуба ая суҳбатимизга қўшилиб. — Бунинг қулайлиги шунда эканки, уруғни қадаш жараёнида пуч буғдойлар ҳавога учиб, бир вақтнинг ўзида экинни ўғитлаб кетиш ҳам амалга ошириларкан. Икки кунда буғдой уруғи бир текисда, мунчоқдек униб чиқди.

Айни пайтда ёш миришкор даласида буғдойни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш, пахта учун ҳайдалган майдонларга яхоб суви бериш ишлари амалга оширилмоқда.

— Фермер хўжалигимиз Деҳқонобод шаҳарчасидан беш-олти километр узоқликда жойлашган, — дейди Насиба. — Ишчи-хизматчиларимизни далага олиб бориш ва қайтиш учун даромадимиз ҳисобидан «Дамас» русумли автомашина сотиб олдик. Келгусида техника воситалари сонини ҳам кўпайтириш ниятидамиз.

Насибанинг орзулари бисёр. Чунончи, кўп тармоқли фермер сифатида фаолият юритиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш. У халқ дарди, ташвиши билан яшагиси, юртимизнинг иқтисоди юксалишига баҳоли қудрат ҳисса қўшгиси келади. Ўзи яшаб турган туманнинг гуллаб-яшнаши, маҳалладошларининг фаровон турмуши йўлида доимо изланишда.

Ҳа, Насибадек меҳнатсевар, ҳаракатчан ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

> ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ОЗМИ-КЎПМИ ТАЖРИБА ОРТТИРГАН ФЕРМЕР ҚИЗ ЎТГАН ЙИЛДА ПАХТАНИНГ ЯНГИ — «С-65» НАВИНИ ЭКИБ, СИНОВДАН ЎТКАЗДИ. ҲАМКОРЛИКДАГИ МЕҲНАТ ТУФАЙЛИ ГЕКТАРИДАН 30 ЦЕНТНЕРДАН ОШИРИБ ҲОСИЛ ОЛИНДИ, ЙИЛЛИК РЕЖА ЭСА 110 ФОИЗДАН ОШДИ. ХЎЖАЛИК ЮЗ МИЛЛИОН СЎМДАН ЗИЁД ДАРОМАД ҚИЛДИ.



# Балиқчининг «Коинот»и

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗГА ХОС БЎЛГАН МЕҲНАТСЕВАРЛИК, ФИДОЙИЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ХИСЛАТЛАРИ ТОБОРА ЯҚҚОЛРОҚ НАМОЁН БЎЛМОҚДА. АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ — ФЕРМЕРЛАРНИНГ УДДАБУРОНЛИГИ, САБР-БАРДОШИ, ИШБИЛАРМОНЛИГИГА ҚОЙИЛ ҚОЛМАЙ ИЛОЖ ЙЎҚ

**Эльмира РАҲМОНОВА,** «XXI asr»

Бугунги фермер ер билан «тиллашиш»ни яхши билади. Шу боис пахтачилик, ғаллачиликдан йил сайин мўл ҳосил етиштириб, аҳоли дастурхонига қут-барака киритмоқда. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб, экспорт қилаётган ташаббускор фермерларимиз ҳам оз эмас. Энг муҳими, улар бой тажриба тўплаш, мустақил фикрлаш тарзига эга бўлиб боришмоқда.

— Фаолиятимиз давомида айрим муаммолар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бироқ яратилган қулай шарт-шароит туфайли биз уларга ўз вақтида ечим топиш имконига эгамиз, — дейди Балиқчи туманидаги «Коинот» фермер хўжалиги раҳбари Соҳибахон Худойбердиева. — Бу эса қишлоқ мулкдорларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Қолаверса, ишнинг кўзини билиш, режали меҳнат қилиш ҳам фойдамизга фойда қўшаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан тушмади.

Дарвоқе, С. Худойбердиева раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги 2015 йилда ғалла тайёрлаш шартнома режасини ортиғи билан бажарди ва ялпи ҳосилдорликни гектар ҳисобига 65 центнерга етказди. Аслида бу ҳам истиқлол берган бир неъматдир. Илгари фермер хўжалигига қарашли экин майдонларидан бор-йўғи 20-22 центнер ҳосил олинар, даромад ҳам шунга яраша бўларди. Эндиликда вазият бошқача. Фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ҳаммасини тубдан ўзгартириб юборди. «Коинот» мисолида оладиган бўлсак, фойда ва самарадорлик қисқа муддатда қарийб 10 баробарга ошди. Ўтган 2014-2015 йилларда 60 гектар майдондан 100 миллион сўмдан зиёдроқ даромад олинди. Соф фойда эса 60 миллион сўмни ташкил этди.

Хўжалик раҳбари Соҳиба Худойбердиева ҳар йилги маблағнинг 70 фоизини тупроқ унумдорлигини ошириш, хўжалик фаолиятини такомиллаштириш учун йўналтиради. У лизинг асосида дастлаб «КТЗ» русумли ҳайдов трактори, кейинроқ хўжалик эҳтиёжлари учун иккита енгил автомашина сотиб олган. Фермернинг ўзи намунавий лойиҳа асосида қурилган иккита замонавий уй-жойга эга бўлди. Имтиёзли кредит ҳисобига харид қилинган бу уйларда ҳозир унинг фарзандлари ўз оилалари билан фаровон ҳаёт кечиришмоқда.

Фермер хўжалиги ерлари катта магистраль йўл ёқасида жойлашган. 2015 йили йўл бўйида 3 қаватли замонавий шийпон қуриб битказилди. Унинг биринчи қавати хўжалик аъзоларининг тушлик қилишлари ва дам олишлари учун мўлжалланган. Иккинчи ва учинчи қаватларда эса маиший хизмат шохобчалари — сартарошхона, тамаддихона, савдо дўкони фаолият юритяпти. Бу эса йўловчилар учун катта қулайлик яратмоқда.

Илгари деҳқон деганда тиззасигача тупроқ кечиб юрадиган содда одамлар кўз олдимизга келар эди. Бугун-чи, улар ўз мулки ва ўз дунёқарашига эга. Ҳалол меҳнат орқасидан тобора бойиб боришмоқда. Эл-юрт ўртасида ҳурматлари баланд. Бирор дақиқани беҳуда ўтказишмайди. Қийинчиликларни сабр-матонат билан енгишга одатланишган.

Балиқчилик фермер С. Худойбердиева ана шундай хислатларга эга бўлган замондошларимиздан биридир. У яқин келажакда «Коинот»ни кўп тармоқли хўжаликка айлантириш, янги ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирган.

## Барқарор жамият асоси

**O`zLiDeP Навоий вилоят ташкилоти Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш бўлими ташаббуси билан Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини хотин-қизлар орасида кенг тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**
**Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзоси Ў. Турсунов, вилоят «Она ва бола скрининги» маркази директори, O`zLiDeP Навоий шаҳар кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси М. Ҳамроева, Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Ўроқова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Маърузачилар жамиятнинг асосий бўғини саналган оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани истиқлол йилларида эришилган энг катта ютуқлардан бири эканлигини таъкидладилар.**
**Давра суҳбати ниҳоясида иштирокчилар — маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия туман кенгаши аъзолари, БПТ раислари, МФЙ ва ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.**

Ўз мухбиримиз.

# Излаган имкон топар экан

**Барча жойда бўлганидек, кейинги йилларда Қоракўл туманида ҳам аграр тармоқни ривожлантириш, хусусан, пахта, ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.**

Бунинг самараси қишлоқ мулкдорлари, айниқса, «Жонибек Абдусалом», «Қумобод гуллари», «Феруза Гуллиева», «Соҳиб» сингари кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятида яққол намоён бўлиб турибди. Улар орасида «Ҳосилдор» фермер хўжалигининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ушбу хўжаликка қарашли экин майдонлари илгари қаровсиз кўл ва ботқоқликдан иборат эди. Тинимсиз меҳнат ва изланишлар зое кетмади. Эндиликда ушбу ҳудуд тўла ўзлаштирилган. Ҳар йили ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштирилиб, туман иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиляпти.

— Дастлаб 5-6 киши билан иш бошлаганмиз, — дейди хўжалик раҳбари Завқий Болтаев. — Бугунги кунга келиб аъзоларимиз сони 60 нафардан ошди. Ихтиёримиздаги ҳайдов ва чопиқ тракторлари, шунингдек, «Клаас-доминатор», «Пума» русумли замонавий комбайнлар мушкулимизни осон қилмоқда. Фаолиятимизни кенгайтиришда молия муассасаларининг ёрдами катта бўлаётир. Жумладан, «Халқ банки»нинг туман бўлими томонидан ажратилган 92 млн. сўмлик кредит эвазига «Пума 60-70» русумли ҳайдов трактори харид қилганмиз.

Хўжалик замонавий техника воситалари билан таъминланганлиги муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, пировардида юқори ҳосилдорликка эришиш имконини бермоқда. Масалан, фермер хўжалиги фаолиятини бошлаган 1998 йилда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига атиги 24 центнерни ташкил этган, даромаду буромад ҳам шунга яраша эди. 2014 йили тикланган хирмон эса 315 тонналик тош босди. Бунинг эвазига жами 300 млн. сўм, жумладан, 220 млн. сўм соф фойда олинди. Ғаллачилик хўжалик рўзғорига барака киритаётган иккинчи зарбдор тармоқдир. Фидокорона меҳнат эвазига ўтган йили режада кўзда тутилганидан кўп, яъни 226 тонна сара дон етиштирилганлиги, унинг 60 тоннаси жамоа аъзолари ўртасида тарқатилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2015 йил эрта баҳорида майдонларга чигитнинг истиқболли «Бухоро-8» нави қадалган эди. Кузга келиб бунинг самараси яққол намоён бўлди. Пахта тайёрлаш шартномавий режасининг 196 фоизга бажарилганлиги чинакам жасорат ва фидойиликдан нишонадир. 404 тонналик ялпи хомашё тўлиғинча биринчи навга қабул қилинди ва ҳосилдорлик гектар бошига 62 центнерни ташкил этди. Дончилик соҳасида эришилган ютуқлар ҳам аввалгига қараганда салмоқлироқ. Тайёрланган ҳосилнинг 260 тоннаси давлат қабул масканларига етказиб берилган бўлса, 240 тоннаси хўжалик аъзолари ўртасида тарқатилди. Шу тариқа пахтачиликдан жами 400 млн. сўм, ғаллачиликдан эса 100 млн. сўм даромад олинди.

Хўжаликда чорва бўйича ҳам бой тажриба тўпланган. Айни пайтда бу ерда 30 бош қорамол, 100 бош қўй, 50 бош эчки, 4 бош туя, 6 бош от парвариш қилиняпти. Гўшт ва сут етиштириш тобора кўпаймоқда. Тармоқни ривожлантиришда чўпон-чўлиқлардан Насрулло Умаров, Жавлон Болтаев, сут соғувчилардан Барно Мўминова, Гуландом Ашурова, Феруза Рўзиева ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Кириб келган янги — 2016 йил тажрибали фермер, O`zLiDeP аъзоси Завқий Болтаев ва унинг издошлари учун янада баракали бўлишига ишонамиз. Уларнинг меҳнат ва изланишлари шундай дейишга тўла асос беради. Жумладан, яқинда қишлоқ ҳудудида чинни буюмлари тайёрлашга ихтисослашган янги цех барпо этилди. Айни пайтда бу ерда 20 дан ортиқ ёшнинг бандлиги таъминланган. Бўрдоқичилик, балиқчилик, турли сервис хизматлари эса хўжаликка қўшимча даромад келтирмоқда.

...Уфққа туташ далаларда эрта-ю кеч ҳаёт қайнайди. Тобора кўкка бўй чўзаётган яшил буғдой майсалари эртанги қут-барака, тўкин-сочинликдан дарак бераётгандек, гўё. Қоракўллик барча ҳамкасблари ва маслакдошлари қатори Завқий Болтаев ҳам 2016 йилга янги орзу-умидлар билан пешвоз чиқди. Унинг эзгу ниятлари ушалишига тилакдошмиз.

**Ўз мухбиримиз.**
**Бухоро вилояти.**

# Давр — мулкдорники, ҳаракат қилганники!

**Дилафрўз УМРЗОҚОВА,**
Фарғона шаҳридаги
«Dilferuz suvpari» хусусий корхонаси раҳбари

Корхонамда 2011 йилда 6 нафар ишчи бор эди. Айни пайтда улар сони 20 нафарга етди. Матрац, кўрпа, ёш болалар кийимларини ишлаб чиқараяпмиз. Цехимиз қошида тўй либослари салони ҳам ишлаб турибди. Ўтган йили 200 млн. сўмдан ошиқ даромад олдик. Энди иш бошлаган кезларим бироз чўчиганим ҳам рост. Маҳалла-кўй олдида юзим шувут бўлмасмикан, эплаб кетармиканман, деган ҳадик ҳам йўқ эмасди. Минг шукрки, Президентимизнинг биз, ёшларга билдираётган ишончи, кўмаги кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди. Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанада «Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун, келажак сизники!» дея бизларни руҳлантирганликларидан бошим осмонга етди.

Энг муҳими, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни энди яхши биламиз. Бирор маслаҳат керак бўлса, муаммога дуч келсак, кўмакка шай ташкилотлар бисёр. Шундай жаннатмакон диёрда туғилганим, шу элнинг фарзанди эканимдан фахрланаман.

Қаерда тинчлик бўлса, тараққиёт бўлади. Қаерда эътибор бўлса, юзларда қувонч балқийди. Шундай замонда қўлни қовуштириб ўтириш мумкинми? Тадбиркорлик, фермерликда ҳам имтиёз ва имкониятлар катта. Бугунги давр — мулкдорники, ҳаракат қилганники!

Қолаверса, жорий йилнинг Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром намунаси десам, муболаға бўлмас. Бизга билдирилган ишончни оқлаш, Ватан равнақи учун астойдил меҳнат қилиш ҳар биримизнинг халқ олдидаги шарафли бурчимиздир.

# Элмуроднинг эзгу ташвишлари

Самарқанд туманидаги «Давронова Машҳура боғлари» кўп тармоқли фермер хўжалиги қарийб ўн йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Дастлаб 5 гектар токзорда узум етиштирилган бўлса, бора-бора фаолият кўлами кенгайди. Яъни, 5 гектардан иборат олмазор барпо этилди. Фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP фаоли Элмурод Ҳамидовнинг саъй-ҳаракати билан эндиликда ана шу майдонлардан сархил ноз-неъмат етиштирилиб, эл-юрт дастурхони маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшилмоқда.

**— Боғбонлик ота-боболаримиздан мерос касб, — дейди у. — Биз бу борадаги анъаналарни давом эттиришга интиляпмиз.** Айни пайтда хўжалигимизда қизил тойифи, қора гўзал, қора кишмиш, оқ кишмиш, ҳусайни каби узум навларидан юқори ҳосил олинмоқда. Бир талай истиқболли режаларимиз ҳам бор. Жумладан, токзорлардан йилига икки марта ҳосил олишни мақсад қилиб, изланишларни давом эттиряпмиз.

Деҳқонга йил ўн икки ой далада иш топилади. Шу кунларда Э. Ҳамидов етакчилигидаги миришкорларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Бир томонда токзорлар ва дарахтлар яхоб сувига қондирилаётган бўлса, иккинчи ёқда ғалла экинлари парвариши авжида.

Зеро, халқимиз бежиз «Ерни боқсанг, ер сени боқади», демаган. Ҳамкорлар ҳам аниқ. Тумандаги мевани қайта ишлашга ихтисослашган бир қанча корхона билан манфаатли шартномалар имзоланган. Ваъдага вафо қилиш учун ҳосилдорлик юқори бўлиши, хусусан, қишда буғдойзорлар маҳаллий ўғит билан яхши тўйинтирилиши лозим. Ғалла ўримидан сўнг бу майдонларда иккинчи экин сифатида сабзавот етиштирилади.

— Чорвачилик ва паррандачиликни ҳам йўлга қўйганмиз, — дея сўзини давом эттиради фермер. — Сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, жорий йилда чорвачилик ва паррандачилик тармоғи янада кенгайтирилади. Шу мақсадда 6000 бош товуқ-жўжага мўлжалланган янги паррандахона барпо этилмоқда. Ниятларимиз тўла амалга ошса, қишлоғимиз ёшларидан ўн нафари доимий иш билан таъминланади.

**Ўз мухбиримиз.**
**Самарқанд вилояти.**

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



«XXI ASR» 03 (635)-son, 2016-yil 21-yanvar, payshanba

ЕТАКЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

## Ташаббускор, талабчан

ПАРТИЯМИЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ, ҲАММАСЛАКЛАРИМИЗ ВА ТАРАФДОРЛАРИМИЗ КЎПАЙИШИДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРГА ЭГА, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИДАН ТЎЛА ХАБАРДОР ҚУЙИ БЎҒИН РАҲБАРИГИНА ПАРТИЯМИЗ ЭЛЕКТОРАТИНИ ЎЗ ОРТИДАН ЭРГАШТИРА ОЛАДИ. ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ «ҚАШҚАДАРЁ МАХСУС ҚУРИЛИШ ДИЗАЙН» КОРХОНАСИДАГИ БПТ ЕТАКЧИСИ ДИЛШОД КИЧКИНАЕВ АНА ШУНДАЙ САФДОШЛАРИМИЗДАН БИРИ. СЕРҒАЙРАТ, ТАШАББУСКОР, ЎЗИГА НИҲОЯТДА ТАЛАБЧАН, СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР, ТАДБИРЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЁТГАН МАСЛАКДОШИМИЗ ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАН.

■ **Сайфулла ҲАМДАМОВ**

У билан ўтган йили O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда учрашгандим. Ўшанда ёш етакчи сўзга чиқиб, партиямиз нуфузини янада мустаҳкамлаш учун электоратни ўйлантираётган масалаларни чуқурроқ ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш тўғрисида куюнчаклик билан гапириб, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шаҳарда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини назоратга олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш бўйича ўз таклифларини ўртага ташлаган эди. Орадан кўп ўтмай, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан сессияга «Шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлимининг 2013-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастури асосида ишга туширилиши зарур озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш» мавзуидаги масала киритилди. Тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, ишга туширилиши белгиланган 15 та лойиҳа ижроси депутатлик назоратига олинди.

Партия шаҳар ташкилоти ва вилоят кенгашидаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими ва тилга олинган қуйи тузилма ҳамкорлигида бошловчи тадбиркорлар Бахтиёр Бозоров, Гўзал Тошевага тикувчиликни йўлга қўйиш, Шодихол Ниёзова, Алишер Чориев, Рамиддин Дуронов, Роҳила Файзиева ва Азамат Норовларга эса чорвачиликни ташкил қилиш учун банклардан кредит ажратилишига ёрдам берилгани эътиборга молик.

— Дилшод Кичкинаев ҳамиша елиб-югуради, — дейди O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — Хусусан, партия фаолларининг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш мақсадида турли давра суҳбатлари ва семинарлар уюштиришда бизга кўмаклашаяпти. Шу ўринда ўтган йили шаҳар кенгашига киритилган масалалар, қонун ҳужжатлари, Давлат дастурлари ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар юзасидан бир неча мансабдор шахс ҳисоботи эшитуви ҳамда электорат манфаатлари акс этган олтмишдан ортиқ сўровнинг аксарияти қуйи бўғин етакчиларининг ташаббуси билан амалга оширилганини қайд этиш керак. Янги йилда қуйи тузилмаларни зарур услубий қўлланмалар билан таъминлаш, етакчиларнинг сиёсий билим ва қобилиятини ошириб боришлари учун ўқувлар ташкил этишни режалаштирганмиз.

Дарҳақиқат, шаҳардаги БПТ етакчилари аҳоли мурожаатлари, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни умумлаштириб, юқори партия ташкилотларига олиб чиқмоқдалар. Ўтган даврда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш орқали шаҳарнинг саноат салоҳиятини ошириш, замонавий иншоотлар барпо этиш, инфратузилмани яхшилаш, зиёратгоҳларни таъмирлаш, туризмни ривожлантиришга оид ўнлаб таклифлар амалиётга жорий этилгани фикримиз тасдиғидир.

— Дилшод ёшлигидан ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги билан ажралиб турарди, — деди биз билан суҳбатда «Рогузар» МФЙ раиси Ғайбулла Отабоев. — Институтни битиргач, тадбиркорликка қўл уриб, вилоятда биринчилардан бўлиб ногиронларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этди. Ҳозирги пайтда қурувчилик билан шуғулланиб, ўнлаб замонавий иншоотлар бунёд этилишига бош-қош бўлаяпти. Унга ташкилотчилик фазилатлари ота-онасидан юққан. Маҳалламизда Кичкинаевлар оиласига ҳамма ҳавас билан қарайди. Отаси Бекназар ака 35 йилдан буён қурувчилик билан шуғулланади. Маҳалламизда ўтказилаётган тадбирларни юксак савияда, ҳамжиҳатлик руҳида ўтказишда у кишининг маслаҳатларига суянамиз. Турмуш ўртоғи Қурбоной Аҳмедова бир умр ўқитувчилик қилиб, ёшларга сабоқ берган. Айни пайтда онахон маҳалламиздаги оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб улғайишлари учун маслаҳатларини аямай келаяпти. Йиғинлар, учрашувларнинг сермазмун ўтишига ҳам Дилшоднинг нафи тегяпти. Улар доимо одамлар орасида. Маҳаллада бирор тадбир йўкки, бу оила иштирок этмаган, қандайдир ҳисса қўшмаган бўлса. Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ечимини топишда ана шундай инсонларнинг беминнат кўмаги сезиларлидир.

— Яқинда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш ва мазмун-моҳиятини партия электорати ўртасида тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати ташкил этдик, — дейди қуйи бўғин етакчиси. — Тадбирда фаолларимиз томонидан O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгиланган мақсадлари — аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам талай таклифлар билдирилди. Умуман, барча йиғилишларимизда айрим муаммолар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни партия шаҳар ташкилотига олиб чиқиш, депутатлик гуруҳимиз аъзолари билан ҳамкорликнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинаяпти.

Ҳа, Дилшод Кичкинаев ёш бўлса-да, қуйи бўғин ишини талаб даражасида ташкил этишга эришмоқда. У партиямиз дастурий мақсадлари тарғиботи таъсирчанлигини ошириш, долзарб масалаларнинг мақбул ечимларини топиш борасида изланмоқда. Бундай ташаббускор ёш етакчилар тажрибасини оммалаштириш, уларни бошқаларга намуна этиб кўрсатиш партия ишини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.



**Бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, депутатлик бирлашмалари аъзолари ва бошқа фаолларга сиёсий таълим беришнинг самарали тизимини яратиш, илғор фикрлайдиган, жамиятни ислоҳ қилиш шароитида фаолият олиб боришга, сиёсий куч олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган кадрлар захирасини тайёрлаш, уларни давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органларидаги бўш лавозимларга тавсия этиш O`zLiDePнинг бош вазифалари қаторидан ўрин олган.**

O`zLiDeP Уставидан

## Ўқувларга эътибор кучаймоқда

**O`zLiDeP электоратини сиёсий жараёнларда фаол қатнашишга даъват этиб, бу борада қизғин тарғибот ишларини олиб бориш, мулкдорлар қатламини партиявий воситалар билан қўллаб-қувватлашни мақсад қилган БПТ етакчисининг аввало ўзи жамиятимизда кечаётган туб ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан бугунги кун талаблари даражасида хабардор бўлиши лозим.**



■ **Беҳзод ИСРОИЛОВ,** «XXI asr»

Мазкур нуқтаи назардан келиб чиқиб, партия Тошкент вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳамда қуйи бўғинлар раислари учун навбатдаги ўқув-семинарлар ўтказишга киришди.

Ўқув дастурига асосан партия ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари масъул ходимлари, сиёсатшунослар давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқувчи устувор вазифалар ҳамда Президентимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли янги китобининг аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритмоқдалар.

Шу кунгача бундай ўқувлар Оҳангарон, Янгийўл туманлари, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида ташкил этилди. Уларда 285 нафар депутат, БПТ етакчиси ва партия фаоли иштирок этди. Тадбирлар жонли мулоқотлар тарзида, интерфаол услублар қўлланилган ҳолда ўтказилгани ўз самарасини бераётир. Чунончи, тингловчилар амалдаги қонунлар, ҳудудий дастурлар ижросини назорат қилишда партия қуйи бўғинлари ва депутатлар олдида турган долзарб масалалар, партиявий лойиҳалар тарғиботини кучайтириш орқали ёшлар ва аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, хусусий сектор вакиллари дуч келаётган айрим муаммоларни ҳал этишда ташаббускорлик кўрсатиш юзасидан асосли таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

СТМ раҳбари Дилноза Дарвишованинг айтишича, жорий йилнинг дастлабки чорагида БПТлар етакчилари ва партия фаоллари учун яна бир неча мавзу юзасидан ғоявий-сиёсий машғулотлар уюштирилиши мўлжалланаяпти. Юртбошимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда фаолият юритаётган электорат вакиллари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали амалга ошириш, Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси, 2015 йил давомида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини партия электоратига етказиш юзасидан туркум ўқув-семинарлар ташкил қилиш шулар жумласидандир.

## Мансаб эмас — масъулият

**O`zLiDeP таянч бўғинлари қанчалик кўпайса, партиямиз ғояларининг таъсир доираси, шунингдек, жойларда электорат вакилларини ташвишлантираётган айрим масалаларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш имконияти ҳам шунчалик кенгаяди.**



Яқинда Чимбой туманидаги «Равшан-Наврўз» фермер хўжалигида 8 нафар маслакдошни бирлаштирган бошланғич партия ташкилотига асос солинди.

— Янги таянч тузилма том маънодаги эҳтиёж маҳсулидир, — дейди O`zLiDeP туман ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Бекбўсин Ганиев. — Чунки ана шу ҳудудда сафдошларимиз, тарафдорларимиз фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уларнинг бошини қовуштирувчи шундай БПТ очиш таклифи кўпчилик томонидан илгари сурилаётганди. Илк йиғилишимиздаёқ улар билан биргаликда иш юритишнинг партиявий воситалари, айрим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳамкорликда ҳал қилиш йўллари хусусида маслаҳатлашдик.

— БПТга етакчилик қилиш мансаб ёки имтиёз эмас, балки катта масъулиятдир, — дейди янги қуйи бўғин раиси, хўжалик раҳбари Элмурод Ҳамидуллаев. — 2014 йилги сайловда партиямиз етакчилик мавқеини сақлаб қолди. Билдирилган ишончни оқлаш, юртдошларимиз турмушининг янада фаровонлашувига кўмаклашишни асосий мақсад сифатида белгилаганмиз.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.**

АНИҚ САВОЛГА — АНИҚ ЖАВОБ

## Семинарлар қандай талаблар асосида ўтказилиши лозим?

— Аввало шуни қайд этиш зарурки, умуман, партиявий ўқув-семинарлар қатнашчилар муайян мавзуни яхшироқ ўзлаштириши учун ташкил қилинади. Бундай машғулотлар бирор йўналиш бўйича маълумот доирасини кенгайтиришни истаган ва билимларини мустаҳкамлаб бораётган иштирокчилар учун мўлжалланади.

Партиявий лойиҳалар доирасида ташкил қилинадиган семинарларнинг самарадорлигига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири — қатнашчиларнинг тасодифий тарзда танланишидир. Аниқроқ ифодалаганда, мазкур тадбирларга партиянинг пойдевори саналувчи бошланғич ташкилотлар тавсияси, хоҳиш-истаги билан сафдошларимиз, хайрихоҳларимиз ва фаолларимиз эмас, балки партияга мутлақо алоқаси бўлмаган одамлар таклиф этилиши ҳоллари ҳам баъзан учрайди. Бундай ҳолатлар таълим муассасалари битирувчилари, хотин-қизлар ва бошқаларни партия сафига киришга ундаш мақсади билан оқланади. Ҳолбуки, «партия сафларига янги аъзоларни жалб қилиш» вазифаси партиямиз Уставига биноан айнан БПТлар зиммасига юклатилган.

Қуйи бўғинлар етакчиларига партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти батафсил етказилиши ва тегишли топшириқлар, таклифлар берилиши, аввало, партиявий лойиҳаларга муносиб иштирокчилар танланишига, қолаверса, бошланғич ташкилот раиси сиймосида партия нуфузи ортишига хизмат қилади. Шунинг баробарида партиявий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари фақат бир бўлим зиммасига юклаб қўйилиши амалиётига барҳам берилади. Яъни, ҳамкорликдаги иш жараёнида барча тузилмаларнинг БПТлар билан алоқаси мустаҳкамланади. Бинобарин, партиявий лойиҳалар низомларида қуйи ташкилотларнинг ўрни ва роли аниқ белгиланиши зарур.

Партиявий лойиҳалар доирасида ўтказиладиган семинарлар самарали бўлишининг иккинчи муҳим шарти ҳар қандай семинарга қўйиладиган талаблардан деярли фарқ қилмайди. Жумладан, маърузалар матнларини пухта тайёрлаш, иштирокчиларда қизиқиш уйғотиш учун ўқув дастурларига амалий машғулотлар киритиш, мавзуни яхши биладиган мутахассисларни таклиф қилиш ва ҳоказо.

Эл эътиборидаги либераллар

# ДАХЛДОРЛИК

## ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ СОҲАДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

■ **Носир ТОШЕВ, Асхор ИСТАМОВ,** «XXI asr»



Халқ депутатлари Когон туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу ўринда Муҳаммад Мавлонов, Жамшид Ҳайитов, Наврўз Жўраев, Маҳмуд Холов ва бошқаларнинг ҳиссасини алоҳида тилга олиш жоиз. Хусусан, мазкур гуруҳ аъзоси, тумандаги «Парравшантранс» МЧЖ раҳбари Абдулазиз Равшанов ўзининг ҳалол меҳнати, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Ушбу корхона 2006 йили тумандаги Ниёзҳожи қишлоғида ўз фаолиятини бошлаган. Ўшанда ишчи-ходимлар 5-6 кишини ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 20 нафардан ошди.

— Бу борада «Асакабанк» туман бўлимининг ёрдами катта бўлди. Яъни ажратилган 383 млн. сўмлик кредит эвазига дастлаб Германиянинг «Хелмон» компаниясидан жўжаларни парваришлашга ихтисослашган замонавий ускуналарни харид қилдик, — дейди А. Равшанов. — Изланишларимиз бесамар кетмади. Илгари корхонамиз цехларида 3,5 мингта товуқ-жўжа боқилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 105 мингтани ташкил этяпти. Кўрсаткичлар ҳам шунга яраша.

Ҳар кеча-кундузда паррандалардан ўртача 45-50 мингта тухум олиниб, тайёр маҳсулот деҳқон бозорлари, шунингдек, «Кавсар» МЧЖ озиқ-овқат дўкони, «Беназир плюс» МЧЖ савдо шохобчаси ҳамда «Азиз Аслиддин» супермаркетига пешма-пеш етказиб берилаётир.

Таъкидлаш жоизки, корхонада иш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш, юқори маҳсулдорликка эришишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Белгиланган иш ҳақи ва мукофот пулларининг ўз вақтида бериб борилаётганлиги эса ютуқларга қанот бахш этмоқда. Зеро, изланувчан тадбиркор А.Равшанов моддий рағбат эзгу ниятларга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири эканлигини ўз тажрибасидан яхши билади.

Ҳаракатда — баракат, дейдилар. Яқинда банк томонидан ажратилган навбатдаги 1 млрд. сўмлик кредит эвазига товуқларни сақлашга мўлжалланган замонавий катаклар сотиб олинди ва шу тариқа ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида яна бир дадил қадам ташланди.

«Бухородон» АЖ билан манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзаро шартномага асосан юқори калорияли озуқа маҳсулотлари «Парравшантранс»га ўз вақтида етказиб берилмоқда. Яқинда корхонанинг ўзида қўшимча бино қурилиб, парҳез гўштга мўлжалланган товуқларни парваришлашга киришилди.

Абдулазиз Равшанов партиявий-сиёсий ишларда ҳам фаол, ташаббускор. Жумладан, МЧЖ қошида ташкил этилган партия қуйи бўғини етакчиси сифатида ўз маслакдошларини ғоявий чиниқтириш, O`zLiDePнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида куч-ғайратини аямаяпти. Бугунги кунда БПТ 30 нафарга яқин аъзони ўз атрофига бирлаштирган. Солиҳа Болтаева, Гулмурод Авезов, Баҳодир Мусаев сингари фаоллар яқин атрофдаги Ганчкаш, Ниёзхўжа қишлоқлари, Янги Ҳаёт қўрғони ва бошқа қатор аҳоли истиқомат жойларида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришмоқда. Натижада партиямиз тарафдорлари ва маслакдошларимиз сафи тобора кенгайиб, либерал-демократик ғояларнинг сиёсий таъсирчанлиги таъминланмоқда.

2-Ниёзҳожи сайлов округидан халқ депутатлари Когон туман кенгаши депутати Абдулазиз Равшанов сайловчиларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларига ҳамиша сезгирлик билан муносабатда бўлишга одатланган. Хусусан, ечимини кутаётган муаммолар юзасидан мутасадди ташкилотларнинг раҳбарларига депутатлик сўровлари билан чиқилаётганлиги ва уларнинг ижроси доимий назорат қилиб борилаётганлиги эътиборга моликдир. Дарвоқе, депутат А. Равшанов саъй-ҳаракати билан вилоят «Автойўл» корхонасига йўлланган депутатлик сўровига мувофиқ, Когон-Қизилтепа автомагистраль йўлининг 4 км. узунликдаги қисмида тупроқ ишлари амалга оширилди. Эндиликда ушбу йўлни тўлиқ таъмирдан чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Бугун орамизда фермерликка талабгорлар оз эмас. А.Равшановнинг фикрича, фермерлик фаолиятини юритиш учун, биринчи навбатда, уларнинг бошқарувчилик қобилияти, моддий-техник имкониятлари тўла ҳисобга олиниши лозим. Ана шунда энг катта бойлигимиз бўлган ерга муносабат тубдан ўзгаради ва ундан фойдаланиш янада яхшиланади.

Айнан ерларнинг мелиоратив ҳолати, техника, ўғит ва сув таъминотини яхшилаш масалаларида тумандаги «Беклар» ва «Нурафшон» фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги «Фурқат», «Бобомурод Жўра» фермер хўжаликларига туман кенгаши депутати томонидан яқиндан ёрдам кўрсатиб келинаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-истакларини рўёбга чиқариш, уларни ўйлантираётган масалаларни ижобий ҳал этиш ҳозирги ислоҳотлар жараёнида ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир. Халқ депутатлари Когон туман кенгаши депутати, моҳир ва ишбилармон раҳбар — эл эътиборидаги либерал буни дилдан ҳис этиб, юрт манфаати йўлида куч-ғайратини аямаяпти.

**Бухоро вилояти.**

# «Дилноз»нинг довруғи ошаяпти

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАДБИРКОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ УЛБУВИ ШОДМОНОВАНИ ИШБИЛАРМОН АЁЛ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШГА УНДАДИ

■ **Муҳаббат РАВШАНОВА,** «XXI asr»

«Дилноз» хусусий корхонасини ташкил этганида Оқдарё туманидаги бизнес соҳа вакиллари бармоқ билан санарли эди. Дўконларда аҳоли учун зарур маҳсулотлар камлиги боис кўпчилик бозор-ўчар қилгани вилоят марказига қатнарди. Шу боис Улбуви сира иккиланмай, оддий ва элита пардалар ҳамда чойшаб тикишни йўлга қўйди.

Фаолият бошлаган йили тумандаги қишлоқлардан бирида яшовчиларнинг айримлари бетоб бўлиб, шифохонага тушиб қолишди. Касалхонада кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаблар эскириб қолгани туфайли ўн нафарга яқин ишчилар билан бир кеча-кундузда юз жуфт оқ жилд тайёрлаб, арзон нархларда етказиб берди. Шу-шу «Дилноз» хусусий корхонаси довруғи довон ошиб, турли ташкилотлардан буюртмалар ола бошлади. Замонавий ва миллий либослар тикиш йўлга қўйилди. Улбуви опага шогирд тушувчи хотин-қизлар сафи кун сайин кенгайиб борди.

Айни пайтда унинг шогирдлари уч юз нафардан ортди. Бу мактабни ўтаган кўпчилик қиз-жувонлар эндиликда мустақил иш юритиб, ҳақиқий тадбиркорга айланишди. Айниқса, чекка қишлоқлардан келиб ҳунар ўрганган қизлар ўз маҳалласида тикувчилик цехи очиб, хотин-қизларнинг гўзал ва латофатли бўлиб юришларига ўз ҳиссасини қўшаётир.

Улбуви Шодмонова O`zLiDePнинг фаол аъзоси. Корхонасида бошланғич партия ташкилоти тузиб, қаттиққўл раҳбар, ишбилармон аёл сифатида барчага ўрнак бўлиб келаётир. Бугунги кунда корхонада маҳсулот тури 40 тага кўпайиб, буюртмаларнинг адоғи кўринмай қолди.

— Шифохона, санаторий, мактабгача таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларга шартнома асосида маҳсулот тайёрлаб беряпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Улбуви Шодмонова. — Фаолиятимизни янада ривожлантириш учун барча шароит муҳайё. Ҳар йили ҳудудларда ташкил этилаётган саноат ярмаркаларида янги-янги ҳамкорлар билан танишиб, шартномалар тузиб, иш олиб бораяпмиз. 2014 йилда 250 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, 2015 йилда бу борада 300 млн. сўмлик натижага эришдик. Шунингдек, тумандаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига шартнома асосида 4-5 ой давомида ҳунар ўргатяпмиз. Бундай ютуқларни қўлга киритишим Юртбошимизнинг биз, аёлларга билдираётган катта ишончи самарасидир.

> Фаолиятимизни янада ривожлантириш учун барча шароит муҳайё. Ҳар йили ҳудудларда ташкил этилаётган саноат ярмаркаларида янги-янги ҳамкорлар билан танишиб, шартномалар тузиб, иш олиб бораяпмиз. 2014 йилда 250 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, 2015 йилда бу борада 300 млн. сўмлик натижага эришдик.

Одамларга яхшилик улашиб яшаш O`zLiDeP фаолининг яна бир ажойиб фазилатидир. Буни Улбуви опанинг «Камолот» ЁИҲда ташкил этилган тикиш-бичиш тўгарагига аъзо бўлган қизларга чеварлик сирларини ўргатаётгани, байрамларда кам таъминланган оилаларга кийим-кечаклар олиб бориб, ҳолидан хабар олаётгани, туман марказидаги Улуғбек кўчасига ҳар йили тош тўктириб таъмирлатаётгани, ҳузурига ҳунар ўрганишни истаб келган қизларни меҳр билан қарши олишида ҳам кўриш мумкин.

Сидқидилдан қилинган меҳнат эътироф этилмай қолмайди. Улбуви Шодмонова ҳам 2008 йили «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Сўнгги сайловларда халқ депутатлари Оқдарё туман кенгашига депутат этиб сайланди.

— Жорий йилни истиқболли режалар билан бошладик, — дейди қаҳрамонимиз тўлқинланиб. — Ҳозирда янги бино қурилишини давом эттиряпмиз. Унда туманимизда яшовчи опа-сингилларимизга хизмат қилувчи гўзаллик салонлари, эркаклар сартарошхонаси, тикув хоналари, ошхона ишга тушса 15 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланади. Янги тикув дастгоҳлари сотиб олиб, узоқ қишлоқларда яшовчи опа-сингилларимизни касаначилик асосида ишга жалб этиш ниятидамиз.

Одамларга нафи тегиб яшаётган O`zLiDeP фаоли яна кўп эзгу ишларни дилига туккан бўлса, ажаб эмас. Чунки ҳақиқий тадбиркор ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди.

**Самарқанд вилояти.**

**Эътибор берганмисиз, бирор киши билан танишсангиз, дастлабки таассуротингиз кўпинча тўғри бўлиб чиқади. Борди-ю, илк суҳбат чоғида ўзингизни безовта қилаётган, ўйлантираётган саволларга жавоб топа олсангиз, бамаъни мулоҳазаларни эшитсангиз, елкадош дўст топгандай бўласиз. Ғаллаороллик хусусий тадбиркор Алишер Ярқулов ана шундай маслакдошларимиздан бири, 2002 йили ўз фаолиятини 50 гектар лалми ерда бошлаган «Алишер ибн Анорбой ота» чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари.**

# Рақобатсиз тараққиёт бўлмайди

■ **Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,** «XXI asr»

— Хўжалигимизнинг номидан ҳам сезгандирсиз, фермерлик фаолияти билан шуғулланишимизга авваламбор падаримизнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари сабаб бўлди. Отам асли ўқитувчи. 74 ёшда. Умр бўйи ҳамқишлоқларимизга маърифат тарқатиб келди. Қишлоғимизда вояга етган бир неча авлод ўзини дадамнинг шогирди деб фахрланади.

Гап оҳангидан ғурур, ифтихор туйғуларини сезиб, уни яна мусоҳабага чорлайман.

**— Алишер ака, қай бир тадбиркор ёки ишбилармон билан суҳбатлашмайлик, аксарияти гапни ўз ота-онасини ҳурмат билан тилга олишдан бошлайди. Гарчи касб-кори турлича бўлса-да, фаолият бошлашларига айнан шулар катта рағбат берганини алоҳида таъкидлайди. Бунинг сабаби нимада?**

— Бу табиий, — дейди Алишер ака. — Чунки улар дуосини олмай, ҳеч бир ишга қўл уриб бўлмайди. Бундан ташқари, қари билганни пари билмас, деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Қолаверса, умр бўйи шу заминда ўсган одам атрофдаги қир-у адир, дала-ю боғни беш бармоғидай билади. Лалмикор хўжаликларда бундай билим, бундай тажриба жуда асқотади…

Шу йўсин бошланган мулоқотимиз фермер хўжалиги фаолиятига бориб тақалди.

— 2011 йилда фермер хўжалигимизни чорвачиликка ихтисослашган кўп тармоқли хўжаликка айлантиришга қарор қилдик. Ўз сармоямиз ҳисобидан 100 бош қўй сотиб олдик. Шу боис яна 50 гектар қўшимча ер олдик. Бугунги кунда туёқ сони 600 тага етди. Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай муҳит сабаб янги-янги режаларни амалга ошириш нияти туғилди. 2015 йили «Агробанк»нинг Ғаллаорол филиалидан олинган 148 миллион сўмлик кредит ва 150 миллион сўм ўз маблағимиз ҳисобига Россиядан гўштни қайта ишлайдиган замонавий технология келтириб, гўштни қайта ишлаш цехини ишга туширдик. Унга яхши ният билан «Ғаллаорол ихлос» деб ном қўйдик. Айни пайтда 5 хил турдаги гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. 3 та янги иш ўрни яратилиб, жами ишчиларимиз сони 10 нафарга етди.

Фермернинг таъкидлашича, жорий йилда цех тўлиқ қувват билан иш бошлайди ва йилига 300 тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келади. Маҳсулот тури 10 хилдан ошади. Қўшимча яна 30 та янги иш ўрни очилади.

**— Фақат маҳсулот ишлаб чиқариш билангина иш битмайди-ку! Ғаллаорол — чорвачилик ривожланган ҳудуд. Замонавий тил билан айтганда, реализация муаммоси кўндаланг бўлмайдими?**

— Бу масаланиям обдон ўрганиб чиққанмиз. Шу сабаб нафақат туман, балки атрофдаги аҳоли масканларида ҳам савдо шохобчалари тармоғини шакллантирмоқчимиз. Шунда истеъмолчи талаби, дидига мос арзон ва сифатли маҳсулот харидор кутиб туриб қолмайди. Рақобатдан чўчиган одамдан эса тадбиркор чиқмайди.

Алишер аканинг гап оҳангидан ўз кучи, бизнесининг равнақига ишонч сезилиб турарди. Биз ҳам қолган гапларни «тадбиркорлик сири»га йўйиб, O`zLiDeP фаолияти ҳақида сўз очдик.

— Партия томонидан илгари сурилаётган ғоя ва мақсадлар, улардан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш тадбиркор ва ишбилармон учун ўта муҳим. Қолаверса ушбу сиёсий куч ташкил этилганидан бошлаб бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилиб келмоқда. Биргина мисол: халқ депутатлари туман кенгашига партиямиздан сайланган Анорбой ака Бозорбоев бизнинг ҳудудга бириктирилган ва яқиндан кўмак бериб келаётир. Партия томонидан ўтказилаётган истиқболли лойиҳалар доирасидаги тадбирларда қишлоқлардаги хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги юртдошларимиз ҳуқуқий, иқтисодий билим ва кўникмаларини оширишяпти. Айнан шу лойиҳаларда фаол иштирок этиб, хусусий фаолият бошлаган кўплаб мулкдорларни санаб беришим мумкин. Ўзим ҳам ҳамиша бундай тадбирларда қатнашишга ҳаракат қиламан...

Ҳаммаслак тадбиркоримизнинг келгуси режалари бисёр. Улардан бири — икки гектар майдонда иссиқхона қуриш.

— Насиб этса, ҳадемай қиш кунларида ҳам халқимиз дастурхонига ёз маҳсулотларини етказиб бера бошлаймиз, — дейди у одатига хос қатъият билан.

Халқимизда сўзи билан иши бир, деган ибора бор. Бундай сифатни айнан Алишер ака каби инсонларга нисбатан қўлласак арзийди.

**Жиззах вилояти.**

# Оқтепалик чевар ойим

**Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида O`zLiDeP фаоли, тадбиркор Дилнозахон Шокировани ҳамма «Оқтепалик чевар ойим» дея фахр билан тилга олади.**

«Заррин савдо АНД» хусусий корхонаси раҳбари бўлган бу аёл тадбиркорликни кундалик рўзғор учун зарур бўлган кўрпа, тўшак, ёстиқ, оқшом либосларини тикиш, матоларга жилвакор ва ранг-баранг гулларни босишдан бошлаган.

Корхонада дастлаб 3 хил кўринишда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг тури 8 тага етди. Айни пайтда 25 та иш ўрни яратилган бўлиб, шунинг 5 тасига коллеж битирувчиси олинди.

Ишбилармонлик ҳадисини пухта ўзлаштирган Дилнозахон яқинда «Агробанк»дан 20 миллион сўмлик кредит олиб, ёғочни қайта ишлаш цехини ҳам ишга туширди. Хитойдан баҳоси 5000 долларга тенг замонавий станок келтириб ўрнатилди. 6 нафар йигит иш билан таъминланди.

Айни пайтда корхонанинг ўртача маҳсулот айланмаси 250 млн. сўмни ташкил этяпти. Унинг тиниб-тинчимас раҳбари бир неча бор «Ташаббус» ҳамда «Тадбиркор аёл» кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлди.

Дилноза Шокирова ҳамкорликда ишлаб, кўплаб хайрли тадбирларда фаол қатнашяпти. Жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, эл олқишини олаётган тадбиркорлар эса ҳеч қачон кам бўлмайди.

«Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади», деган гапда катта ҳикмат бор. Юрагининг бир томири билан оила, яна бир нозик риштаси ила жамиятга чамбарчас боғланган бу аёл тадбиркорлик соҳасида ҳам истеъдод ва имкониятини намоён эта олаётганлигининг ўзиёқ таҳсинга лойиқдир.

**Ўз мухбиримиз.**
**Андижон вилояти.**

# Уч авлод мулоқоти

**Кармана туманидаги «Янгиобод» маҳалласида «Юртга садоқат — олий саодат» мавзусида тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

■ **Мансур АСЛОНОВ,** «XXI asr»

«Муҳаббат боғи» хусусий корхонасида фаолият юритаётган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти, МФЙ ҳамда 10-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда уюштирилган мулоқотга нуроний отахонлар, байналминалчилар ва бўлажак Ватан ҳимоячилари — мактабнинг битирувчи синф ўқувчиларидан иборат уч авлод вакиллари таклиф қилинди.

Учрашувда хусусий тадбиркор, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ориф Каримов «Миллий армиямиз — ғуруримиз, фахримиз!», Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилоят ҳудудий бўлими илмий ходими Рустам Ҳайитов «Тинчлик учун курашмоқ керак» ҳамда O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Хислат Зайниддинов «Юртга садоқат — олий саодат» мавзуларида маърузалар қилишди.

Дарҳақиқат, она юрт ҳимояси деган эзгу тушунча ҳар бир инсоннинг онгу шуурида ажиб туйғулар уйғотади. Зеро, тинчлик-хотиржамликни энг олий саодат билган халқимиз унинг қадрига етишни ҳам билади. Гарчи ҳарбий бўлмасалар-да, Ватанимиз куч-қудратини юксалтириш, унинг мудофаа салоҳиятини ошириш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган тадбиркор ва фермерларимиз, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаётган устоз ва педагогларимиз, кечирган ҳаёти ибрат мактаби бўлган нуронийларимиз, бир сўз билан айтганда, бутун бунёдкор халқимиз Ватан ҳимоясини ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Мустақиллик фарзанди бўлган, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бош ғоя ва мақсади ҳам хусусий мулк ва мулкдорлар синфи вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали мамлакат куч-қудратини ошириш, аҳоли турли қатламларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавиятини юксалтириш орқали жаннатмонанд юртимизда кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга кўмаклашишдан иборат. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, «Юксак маънавиятли инсон ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди».

Тадбир сўнгида мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган, она-Ватан, ватанпарварлик, мустақиллик ва тинчликни мадҳ этувчи шеърий композиция намойиш этилиб, иштирокчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Навоий вилояти.**

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

**ҚАДИМДА ДОНОЛАР СОЛИҚ АМАЛЛАРИНИ ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИГА ҚИЁСЛАБ, «ПОСАНГИ»НИНГ ТЕНГ БЎЛИШИ ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ, МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШИНИ ТАЪКИДЛАШГАН. БУНИНГ ЗАМИРИДА УЛКАН ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА ЁТИБДИ**



Солиҳ ЗОИР олган сурат

# Имтиёз ва имкониятлар

**Акбар МУЗАФФАРОВ,** «XXI asr»

Зотан, солиқ сиёсатини тўғри, оқилона ташкил этиш иқтисодиёт соҳасидаги устувор вазифалардан биридир. Мамлакатимизда солиққа тортиш шартларини мўътадиллаштиришга катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Ўтган давр мобайнида солиқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли фуқароларимиз ўз имкониятларидан келиб чиқиб, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида самарали фаолият юритмоқдалар. Бу эса янгидан-янги ютуқларга замин ҳозирламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан пойтахтимизда ташкил этилган кўргазмали семинарда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбир давомида солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан келиб чиқилиб, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида атрофлича тушунча берилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловлар ставкалари пасайтирилди, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди. Мана, бир мисол. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилиб, 2015 йилдаги 6 фоиздан 5 фоизга туширилди. Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз этиб белгиланди. Қайд қилиш жоизки, ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисобига жорий йилда ушбу микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида 59 миллиард сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим имтиёзлар муддати узайтирилди. Жумладан, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда ва мол-мулк солиғи, микрофирма ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар амал қиладиган бўлди.

Ер — энг катта бойлигимиз. Унга қанча кўп меҳр берсак, шунча кўп ҳосил ва даромад оламиз. Бинобарин, ерга онгли муносабат ҳар биримизнинг виждон ишимизга айланиши лозим. Юқорида таъкидланган қарорга мувофиқ, ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги майдонларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорида белгиланди. Бунда 2016 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аниқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши тартиби жорий қилинди.

O`zLiDeP электорати ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2015 йил даражасида ўзгаришсиз қолдирилди. Мазкур солиқ ставкаси йил бошида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан, яъни 130 240 сўм (01.01.2016) дан келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилмайди.

Тадбир давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган бир гуруҳ фаол солиқ тўловчилар Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

# ЁШЛАР БАНДЛИГИГА ЭЪТИБОР КУЧАЯДИ

**Жиззах вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилган ва соҳа мутасаддилари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ота-оналари ўртасида ташкиллаштирилган очиқ мулоқот айни шу масалага бағишланди.

Тадбир давомида ҳудудда янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилган ишлар, истиқболли режалар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилиб, жорий йилда барча шаҳар ва туманларда амалга оширилиши кўзда тутилган янги лойиҳалар бандлик даражасини юқори поғонага кўтариш имконини бериши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Жумладан, мазкур йилда «Жиззахпластекс» қўшма корхонаси, «Жиззах» махсус индустриал зонаси, Дўстлик тумани ва вилоятнинг бошқа бир қатор ҳудудларида йирик қувватларнинг ишга туширилиши кўзда тутилган. Бу эса табиийки, кўплаб янги иш ўринларини очиш имкониятини вужудга келтиради.

Тадбир давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарларига уч томонлама шартнома шартларининг бажарилишига оид кўплаб саволлар бериш имконига эга бўлдилар. Учрашув давомида кўтарилган муаммолар ечимини топиш юзасидан ўзаро фикр ва мулоҳазалар алмашилди, таклифлар билдирилди.

Тадбирда қатнашган O`zLiDeP фаоллари, ишбилармон ва тадбиркорлар ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш орқали бандлик муаммосини ҳал қилишда фаол иштирок этиш юзасидан бир қатор амалий фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашдилар.

Иштирокчиларда катта таассурот қолдирган очиқ мулоқот сўнгида бундай учрашувларни йил давомида ва барча туманларда тизимли асосда ўтказиб бориш ҳақида келишиб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Жиззах вилояти.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Манфаатли ҳамкорлик

**Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусан, ташқи савдо айланмасини кенгайтиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан 2013 йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Бухоро вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш билан бирга, халқаро кўргазма ва бозорларда уларнинг кенг иштирокини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрловчи корхоналар учун ишончли шериклар топишда яқиндан ёрдам кўрсатаётир.

Узоққа бормайлик: 2015 йилда жамғарманинг вилоят филиали иштирокида 163 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилди. Бунинг натижасида 53 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги экспорт шартномалари тузилиб, 27 та тадбиркорлик субъекти томонидан 82 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

Умуман, ўтган йил давомида 96 та тадбиркорлик субъектига ташқи бозорларни ўрганиш ва чет элдан ишончли ҳамкор топиш, 32 та тадбиркорга шартномалар тузиш, халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиш, шунингдек, хорижий давлатларнинг қонунчилик меъёрлари асосида зарур ҳуқуқий ҳужжатлар, сертификат ва лицензиялар олиш ҳамда божхона расмийлаштирувлари бўйича тегишли хизматлар кўрсатилгани диққатга лойиқдир.

Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг барча туманларида ишлаб чиқариш корхоналарининг экспорт имкониятларини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий муаммоларини ўрганишга бағишланган тадбирлар доимий тарзда ўтказилиб келинмоқда. Ўтган йилнинг ўзида жамғарма саъй-ҳаракати билан вилоятдаги 13 та шаҳар ва туманда ана шундай учрашувлар, ташкил этилди. Бугунги кунда дунёда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига харидорлар кўпайиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, Россия, Қозоғистон, Украина ва бошқа давлатлардаги бир қатор компаниялар, фирма ва савдо марказлари тўғрисидаги маълумотлар китобча шаклида тайёрланиб, 250 дан ортиқ тадбиркорга тарқатилди.

Кези келганда жамғарма томонидан ўтган йилнинг 28-29 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти масалаларига бағишланган халқаро конференцияни ҳам тилга олиб ўтиш жоиз. Унда Бухоро вилоятидан 73 нафар вакил иштирок этиб, шундан 55 нафари Россиянинг «Магнит», «Азбука вкуса», «Пятёрочка» каби савдо компаниялари, Қозоғистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидини амалга оширувчи фирмалари билан 35 млн. АҚШ доллари миқдорида келишув шартномалари имзоладилар. Ушбу келишувлар асосида вилоятдаги «Когон агросаховати» агрофирмаси «Магнит» савдо компанияси билан 10 млн. доллар, «Ромитан агро саховати» агрофирмаси Қозоғистоннинг ИП «Алдебаев» фирмаси билан 140,0 минг АҚШ доллари, Россиянинг «Азбука вкуса» савдо компаниясининг ваколатли фирмаси билан 200,0 минг АҚШ доллари миқдорида шартномалар имзоланишига эришилди.

Бир сўз билан айтганда, ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томон учун манфаатли бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорлар ишончини ошириб, ҳудудда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

**Ўз мухбиримиз.**

*Хизматлар лицензияланган.*

БОЖХОНА БЕКАТИ

## ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 24 йиллиги муносабати билан Давлат божхона қўмитасида ўтказилган тантанали тадбирда қўмита раиси З.Дусанов сўзга чиқиб, божхона ходимлари ҳам давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифаларини шараф билан бажариб келаётгани, жумладан, ўтган 2015 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда 20 мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, қиймати 70 млрд. сўмдан ортиқ бўлган товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида ушлаб қолинганини таъкидлади.

Анжуманда Президент фармони билан мукофотланган Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили Бекзод Шукуровга «Жасорат», Тошкент вилояти божхона бошқармаси чегара-божхона пости контрабандага қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили Шаҳбоз Разиқовга «Шуҳрат» медаллари тантанали равишда топширилди.

**Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати.**

## «УЧАРЛАР» ҲАМ УЧРАБ ТУРИБДИ



Маълумки, республикамизда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан самарали давлат назорати ўрнатилган бўлиб, бундан мақсад мазкур турдаги товарларнинг яширин тарзда тайёрланиши ёхуд олиб кирилишига йўл қўймасликдан иборатдир. 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кирилаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган.

Афсуски, орамизда қонунни четлаб ўтиб, қинғир йўллар билан бойлик орттиришга уринаётган «учарлар» ҳам учраб турибди. Яқинда «Келес» темир йўл чегара постида Россия Федерациясидан келган йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида фуқаро Б.Алимов *(мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган)*га тегишли бўлган, божхона декларациясида қайд этилмаган ва оғзаки сўров пайтида маълум қилинмаган 2 минг қути «Parliament» сигаретининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди. Хорижда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон акциз маркалари билан маркаланмаган ушбу маҳсулотнинг умумий қиймати салкам 29 млн. сўмга тенг. Сохта «тадбиркор» бу билан ҳам кифояланмай, қиймати 21 млн. сўмлик 37 турдаги парфюмерия ва бошқа товар-моддий бойликларини республикамиз ҳудудига ноқонуний тарзда олиб киришга урингани аён бўлди.

Бошқарма ходимларининг ҳушёрлиги билан фуқаро Ш.Холбоевнинг қилмишларига ҳам нуқта қўйилди. Ушбу шахс ноқонуний равишда олиб кирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан маркаланмаган, қиймати 11,5 млн. сўм бўлган 880 қути «Parliament» ва «Parliament carat» сигарети учун божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳужжат тақдим қила олмади.

Шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирлар давомида фуқаролар Н.Нуралиева ҳамда М.Эшчонова амалдаги тартибларни бузганлиги, уларнинг ёнида тегишли ҳужжатлари бўлмаган 4 турдаги 270 қути тамаки маҳсулоти борлиги фош қилинди. Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати.**

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Иккинчи гуруҳ ногирониман. ТМЭК хулосасига кўра гарчанд мен меҳнатга лаёқатли бўлсам-да, ҳозирча ҳеч қаерда ишламайман. Агар маҳаллий меҳнат органи фаолиятимга мос иш топиб бера олмаса, қонун бўйича мен ишсиз, деб эътироф этиламанми?»**

**М.Қодиров, Бухоро вилояти.**

Меҳнат кодексининг 60-моддасига кўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилиш, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтиш, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс ишсиз, деб эътироф этилади.

Сиз иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўйича тегишли нафақа билан таъминлангансиз. Шу боис ишсиз, деб ҳисобланмайсиз.

**«Менинг қўл остимда ишлайдиган ходимлардан бири касб малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли ўз вазифасини лозим даражада бажара олмаяпти. Уни камроқ малака талаб этиладиган ишга ўтказишим мумкинми?»**

**С.Жўрабоева, Жиззах вилояти.**

Ҳа, мумкин. Меҳнат кодексининг 92-моддаси иккинчи қисмига мувофиқсиз, иш берувчи сифатида ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган бошқа вазифани таклиф қилишингиз шарт. Агар ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бирмунча кам малака талаб этиладиган бошқа иш, бундай иш бўлмаган тақдирда эса корхонада мавжуд бўлган бошқа вазифани таклиф қилишингиз лозим.

Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада унга мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

**«Менинг турмуш ўртоғим талаба. Яқинда фарзандли бўламиз. Турмуш ўртоғим ўқишини тугатгунча, мен ота сифатида бола парвариши билан шуғулланиш учун таътил олишим мумкинми?»**

**Садриддин Алимов, Сурхондарё вилояти.**

Албатта, мумкин. Сизга бола парвариши учун таътил тўлиқ ёки бўлиб берилиши, шунингдек, болани амалда парваришлаётган бувиси, буваси ёки бошқа қариндошларига ҳам берилиши мумкин.

*Саволларга Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш вазирлиги мутахассислари жавоб беришди.*


РЕКЛАМА

**МУҲТАРАМ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**
**НАВОИЙЛИКЛАР ВА ШАҲРИМИЗНИНГ АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**
**ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!**

— Навоий шаҳрида меҳмонхона излаяпсизми?

— Кўп сонли меҳмонларингизга жой керакми?

— Барча замонавий қулайликларга эга бўлган бир ва икки ўринли стандарт, люкс, ярим люкс хоналарига олдиндан буюртма бермоқчимисиз?

— Давра суҳбати, учрашув, конференция ёки бошқа тадбир ўтказмоқчимисиз?

— Туғилган кун, юбилей ва бошқа тантанали маросимларни ўтказиш учун жой керакми?

Унда Сиз замонавий дизайн асосида қурилган MAXIMUM меҳмонхонасига келинг!
Меҳмонхонанинг:

— 80 ўринли шинам ёзги ва қишки ресторани,

— 40 ўринли банкет зали,

— 60 ўринли конференцзали,

— бепул Интернет (Wi-Fi зона)

— сауна,

— бассейн,

— биллиард ва тренажёр заллари Сизга мунтазир.




**«MAXIMUM»ДА МАКСИМУМ ҚУЛАЙЛИК**

**Манзил: Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 9-уй.**
**Тел.:0-(436) 225-67-74; 0-(436) 225-67-75;**
**(99895) 603-00-77.**
**WWW.MAXIMUM-HOTEL.UZ**
**Хизматлар лицензияланган.**

СПОРТ

# Ўзбекистонликлар энг яхшилар сафида

ЯҚИНДА ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИ ҲАМ ЙИЛ САРҲИСОБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. ЭНГ ҚУВОНАРЛИСИ, БИР ҚАТОР НОМИНАЦИЯЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРНИНГ ИСМ-ШАРИФЛАРИ ҲАМ КЕЛТИРИБ ЎТИЛГАН

Эътироф қилинишича, кураш бўйича Эронда ўтказилган X жаҳон чемпионати «Энг яхши чемпионат» деб баҳоланган. Чемпионатда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган полвонларимиз 5 олтин, 4 кумуш ва 2 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган эди. Мазкур чемпионатда вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган Давлат Абраев «Йилнинг энг яхши курашчиси», чемпионатга полвонларни пухта тайёрлаган терма жамоамиз бош мураббийи Мурод Дўсимбетов эса «Йилнинг энг яхши мураббийи» бўлди.

# Дзюдочиларимиз Гаванада




Эртага Кубанинг Гавана шаҳрида дзюдо бўйича жорий йилнинг илк йирик халқаро мусобақасига старт берилади. Гран-при мақомида ўтадиган ушбу мусобақада ҳам Рио Олимпиадасига лицензион очколар ўйналади.

Мусобақада терма жамоамизнинг 11 нафар аъзоси — Шарофиддин Лутфуллаев (-60 кг), Диёрбек Ўрозбоев (-60 кг), Мирали Шарипов (-73 кг), Шарофиддин Болтабоев (-73 кг), Шаҳзод Собиров (-81 кг), Давронбек Сатторов (-90 кг), Сойиб Қурбонов (-100 кг), Рамзидин Саидов (-100 кг), Элёр Машарипов (+100 кг), Гулноза Матниёзова (-70 кг) юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Маълумотларга кўра, Ришод Собиров, Абдулло Тангриев, Яҳё Имомов каби полвонларимиз айрим сабабларга кўра ушбу турнирда иштирок этмайдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

АЖАБТОВУР РЕКОРДЛАР

МАНА, 2016 ЙИЛ ҲАМ КИРИБ КЕЛДИ. ЎТГАН 2015 ЙИЛДА САЙЁРАМИЗНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДА ЎЗИНИ ЎТГА, СУВГА УРГАН ҚЎРҚМАС КИШИЛАР АЖАБТОВУР РЕКОРДЛАР ЎРНАТДИЛАР. УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИНИ СИЗГА ИЛИНДИК, АЗИЗ ГАЗЕТХОН



# Тиниб-тинчимаган одамлар-эй...

Франциялик «Ўргимчак одам» лақабли қояларга чиқувчи спортчи Ален Робет апрель ойида махсус мосламаларсиз Дубайдаги 307 метрлик «Кайнан» минорасининг 75-қаватигача чиқишга муваффақ бўлди. Бунинг учун шоввозга 65 дақиқа керак бўлди, холос. Робертнинг рекорди Гиннес китобига киритилди.

Швейцариялик альпинист Андеас Штайндл август ойида Альп тоғининг нақд бешта чўққисини забт этди. 4 минг метр баландликка чиқиш учун 26 ёшли ёш рекордчи 7 соат 45 дақиқа ва 44 сония сарфлади.

Россиялик Леонид Тюхтаев ва америкалик Трой Брэдли ҳаво шарида Тинч океани устидан учиб ўтди. Улар Япониянинг Кюсю префектурасидаги Сага шаҳридан ҳавога кўтарилиб, 6 кун, 16 соат ва 37 дақиқадан сўнг 10 минг 696 километр масофани ортда қолдириб, Мексиканинг Ла-Поза-Гранде шаҳри ҳудудига қўнишди. Ўзларини «Икки бургут» деб номлаган мазкур гуруҳ бирданига иккита — яъни, парвознинг узоқ давом этиши ва ҳаво шарида энг кўп муддат бўлиш орқали жаҳон рекордларини янгилади.

Юз ёшга кирган кекса аёл инсоният тарихида илк бор бир ярим километрлик масофани сузиб ўтди. Японялик сузувчи аёл Мико Нагаоки апрель ойида Мацуяма шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда иштирок этди ва жаҳон рекордини ўрнатди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, Микко сузиш билан 80 ёшидан бошлаб шуғуллана бошлаган. Ўтган йили у «Мен 100 ёшдаман, дунёдаги энг фаол сузувчиман» деган китоб ёзиб, нашр қилдирди.

Хуллас, машҳур фильмда айтилганидек, тиниб-тинчимас одамлар нималар билан шуғулланмайди, дейсиз...

БИЛАСИЗМИ?

# Аксирганда юрак... тўхтайди(ми?)

***Инсон танасидаги умуман қон таъминоти бўлмайдиган аъзо бу — кўзнинг мугуз пардаси (энг устки тиниқ парда). У кислородни тўғридан-тўғри ҳаводан олади.***

***

***Инсон миясининг сиғими 4 террабайтни ташкил қилади.***

***

***Аксирганда организмнинг барча фаолиятлари тўхтайди, ҳаттоки юрак ҳам.***

***

***Миядан берилган нерв импульси 274 км/с тезликда ҳаракат қилади.***

***

***Бир кун ичида инсон мияси бутун дунёдаги телефонлар биргаликда ишлаб чиқарадиган электр импульсларини ишлаб чиқаради.***

***

***Инсон организмида 900 та қалам ясашга етадиган углерод, ўйинчоқ замбаракдан ўқ отишга етадиган калий, 7 бўлак совун тайёрлашга етадиган ёғ моддалари ва 50 литр сиғимли идишни тўлдиришга етарли бўлган сув бор.***

***Севара Азимова тайёрлади.***

ЭЪЛОН

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77-уй манзилида жойлашган, ўзининг балансида бўлган маъмурий биносининг ташқи (фасад) қисмини таъмирлатиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу билан бирга таъмир ишларини бажариш бўйича танлов ўтказмоқда.

**БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ УЧУН МУРОЖААТ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 0 (371) 254-04-69, 0 (371) 281-49-67.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ASAKA BANK

# ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

МАМЛАКАТИМИЗДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШГА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЗЕРО, ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТМАСДАН ТУРИБ, БОЗОР ТАЛАБИГА МОС, ЯЪНИ РАҚОБАТБАРДОШ ВА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШ МУШКУЛ. БУНДАЙ ЛОЙИҲАЛАР ЭСА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАЁТГАНИ МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ БЎЛАЯПТИ. МАЗКУР ЖАРАЁНДА «АСАКА» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ АВТОТРАНСПОРТ ФИЛИАЛИ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



■ **Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»



Диққатга сазовор томони, кредитларнинг салмоқли қисми йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилмоқда. Натижада янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор сифатли ва арзон халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилмоқда. Жумладан, «Syntetic Invest Technology» МЧЖга имтиёзли шартларда кредит ажратилгач, янги линиялар ўрнатилиб, резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг асосийси, 100 дан зиёд иш ўрни яратилди. Шулар қаторида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 12 нафари доимий иш билан таъминланди.

— «Асака» банкида мижозлар талаби ва эҳтиёжига мос бўлган кредит сиёсати юритилмоқда, — дейди масъулияти чекланган жамият директори Баҳодир Турсунов. — Бу эса қисқа фурсатда лойиҳамизни амалга ошириш ва молиявий воситалардан тўлиқ фойдаланишга мустаҳкам замин ҳозирлади.

Яна бир мисол: банк филиали томонидан «AL-VAIR» масъулияти чекланган жамиятига ажратилган кредит берилиши натижасида бу корхонада полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ортди.

— «Асака» банки жамоасининг молиявий хизматлари, мижозларга самимий муносабати ва беғараз маслаҳатларидан миннатдормиз, — дейди мазкур МЧЖ раҳбари Ирина Синюкова. — Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётдаги салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири билан жамият ривожида алоҳида ўрин эгаллаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу секторга қулай муҳит яратиш ва рағбатлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганининг ҳам боиси шунда.

— Бизнинг «Soxil Kommunal Servis» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзесидаги бешта беш қаватли уй-жойга хизмат кўрсатади, — дейди мазкур ширкат ижрочи директори Рашид Ибрагимов. — Фаолият бошлаганимизда уй-жой фонди эски, муаммолар ҳам талайгина эди: томдан чакка ўтар, қувурлар ёрилиб кетар, иситиш тизими яхши ишламас, лифт тўхтаб қолар ва ҳоказо. Бу муаммолар ҳал этиб бўлмайдигандек кўринарди. Бунинг учун маблағ зарур эди-да. Биз узоқ ўйламасдан молиявий кўмак сўраб, «Асака» банкининг Автотранспорт филиалига мурожаат қилдик. Банк мутахассислари ижобий қарор қабул қилди. Хуллас, уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштиришга зарур бўлган қурилиш материаллари олиш учун имтиёзли шартларда кредит олдик. Банк кредити ҳисобига уй-жойлар, электр таъминоти, иссиқ сув, совуқ сув таъминоти, иситиш тизимини мукаммал таъмирладик, ободонлаштириш ишларини амалга оширдик. Муаммолар тезликда ҳал бўлганлигидан биз ҳам хурсанд, аҳоли ҳам. Молиявий ёрдам кўрсатгани учун «Асака» банки ходимларига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Таъкидлаш керакки, ўтган йили банк филиали бу борадаги лойиҳаларни молиялаштиришга жиддий эътибор қаратди. Бу кредит сиёсатида ҳам ўз аксини топган. Бундан кўзланган мақсад — мавжуд ресурсларнинг ликвидлигини сақлаш, сармояларни кредитларга йўналтириш орқали юқори даромадлиликни таъминлашдан иборатдир. Шу боис маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюм ҳамда турли материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатилмоқда.

Аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли банкнинг кредит портфели ҳам тобора мустаҳкамланиб боряпти. Пировардида мулкчиликнинг барча шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, оилавий бизнес ва кичик тадбиркорлик соҳаси вакиллари, экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, филиалнинг кредит қўйилмалари ҳажми 216,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

> Аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли банкнинг кредит портфели ҳам тобора мустаҳкамланиб боряпти. Пировардида мулкчиликнинг барча шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, оилавий бизнес ва кичик тадбиркорлик соҳаси вакиллари, экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, филиалнинг кредит қўйилмалари ҳажми 216,5 млрд. сўмни ташкил қилди.



2015 йил мобайнида филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга 107,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилди ва навқирон йигит-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Ҳозирги пайтда банк филиали томонидан ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, лойиҳалар таҳлили сифатини яхшилаш, янги молиявий хизматларни жорий этиш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Асака» банки Автотранспорт филиали мижозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини доимо кенгайтираётган муассаса сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб, ишбилармонлар ишончини қозониб бораётир.

*Хизматлар лицензияланган.*

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 4948 Тираж: 15120
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
ISSN 2181-497X
**Навбатчилар: Б.ИСРОИЛОВ, С.ЗОИРОВ.**